## ЙЎҚОТИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

**А.Мавлонов "Ойни этак билан ёпиб бўлмаслигини" жуда яхши биларди. Шу боис ўз кирдикорларини яширишни истади. "Эрта" МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолиятига доир барча ҳужжатларни қасддан йўқ қилиб юборди.**

2 бет

## УМР ЗАВОЛИ

**Мухторга шерик керак эди. Синашта оғайниси, Қирғизистон фуқароси Ҳаёт билан Фарғонага йўл олади. 2 кг. героинни 18 минг долларга сотишни мўлжаллайди. Айланма йўллар билан чегарадан ноқонуний ўтиб Водилга кириб келишади.**

9 бет



# Ҳуқуқ

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2011-yil 11-avgust, №32 (761)




Андижон шаҳри

# Фаровон турмуш кафолатлари

**Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,**
Андижон вилоят прокурори

Андижонликлар Истиқлолнинг 20 йиллик муборак санасини дилда ифтихор, шукроналик туйғулари билан қарши олмоқдалар. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан файзли-тароватлироқ ҳаёт кечиришни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг неъматларидан баҳраманд бўлмоқдалар, мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этмоқдалар.

Истиқлол Конституцияси асосида қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларнинг давлат ва жамият қурилишида, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этишларига хизмат қилмоқда. Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар фуқароларнинг эмин-эркин ва фаровон яшашлари учун зарур сиёсий ва иқтисодий кафолатларни ҳавола этмоқда. Ўзаро узвий боғлиқ бўлган фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар билан кўриқланмоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари фуқаролик жамиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ушбу жараёнда суд ҳокимияти ўзига муносиб мавқени эгалламоқда. Жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларида ишларни одилона кўрилиши, адолатли ҳукм ва қарорлар чиқарилиши учун зарур қонуний асослар, шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, етказилган зарарнинг ўрни қопланганда, аксар оғир бўлмаган жиноий қилмишлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг қўлланиши инсонпарварлик тамойилини яққол намоён этмоқда.

Прокуратура органлари Конституцияда белгилаб қўйилган қонунийликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтириш ҳамда олдини олиш борасида самарали фаолият юритишмоқда. Вилоят прокуратураси органлари томонидан амалдаги қонунлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш борасидаги Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмаларига қатъий амал қилинмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши кураш ва жиноий қилмишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўриляпти. Ҳар битта жиноятнинг сабаблари ўрганилиб, таҳлилий хулосалар асосида жиноий қилмишларни келтириб чиқарган муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жамоатчиликка таяниб ўтказилаётган кенг кўламли тадбирлар ўз самарасини беряпти. Ўтган олти ой мобайнида 2010 йилнинг шу даврига нисбатан умумий жиноятчиликнинг, хусусан, қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, фирибгарлик, шунингдек, муқаддам судланганлар, гуруҳлар, аёллар ва вояга етмаганлар жиноятларининг камайишига эришилди. Айни вақтда ўзганинг мулкини талонторож этишни ва порахўрликни фош этиш сезиларли ортди, очилмай қолган жиноятларнинг миқдори камайди.

Жойларда ўтказилган диний-экстремистик оқимларга, чегарадан ноқонуний товарлар, тақиқланган ашёларни олиб ўтишга қарши тадбирлар ҳам вилоятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилди.

Прокуратура терговчилари томонидан дастлабки тергов жараёнининг ўзида 2011 йилнинг 6 ойида 14 млрд. 982 млн. (ўтган йил шу даврда 6 млрд. 928 млн.) сўмлик зарарлар ундирилди. Фуқароларни асоссиз жавобгарликка тортиш ва ушлаш ҳамда жиноят ишларини судлар томонидан қўшимча терговга қайтариш ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижросини таъминлаш устида мунтазам иш олиб борилмоқда. Текширишлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 тага камайган ҳолда самарадорлик бир мунча ортди. Назорат тадбирларининг натижаларига кўра 8721 та прокурор таъсир чоралари қўлланилди. Қонунбузилишига йўл қўйган шахсларнинг 1521 нафари интизомий, 1889 нафари маъмурий, 253 нафари моддий жавобгарликка тортилган. Етказилган зарарларнинг 122,9 млн. сўмлиги ихтиёрий, 4,4 млрд. сўмлиги суд орқали ундирилди. 160 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар мобайнида аҳоли энг зич жойлашган вилоятимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга назорат фаолиятининг устувор йўналиши деб қаралмоқда. Вилоят прокуратураси органлари бу борадаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш устида фаол ишлашмоқда. Кам таъминланган, серфарзанд хонадонларга, бола парваришлаётган оналарга, ногиронларга нафақа тайинлаш, моддий ёрдам кўрсатиш жараёни ўрганиб борилмоқда. Ўз-ўзини бошқариш идораларидаги айрим "саховатпеша"ларнинг муҳтож оилалар қолиб, ўзига тўқ хонадонларга нафақа тайинлашдан иборат жиноий қилмишларининг пайи қирқилмоқда. Чунончи, Сувюлдуз қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Айрончи", "Гулбоқ-Иттифоқ", "Миробод", "ОРС", " Чаққон-1", "Чаққон-2", "Қашқар" МФЙларининг мансабдор шахслари 37 та ҳолатда 2 ёшгача болаларини парваришлаётган оналарга ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 18 ёшгача болаларига ажратиладиган нафақаларни ғайриқонуний тайинлаб, 11,6 млн. сўмлик зиён етказишган. Ушбу ҳолат бўйича Олтинкўл туман прокуратураси жиноят иши қўзғатди. Юқоридагидай ғайриқонуний саховатпешалик қилган Андижон туманидаги "Саноат", "Дарёбўйи", "Ойжамол", "БФК-Бахт" МФЙларининг мансабдорлари ҳамда нафақа тайинловчи махсус комиссияларининг аъзолари ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

/Давоми 4-бетда/

# Қўмита эшитуви

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
«Ҳуқуқ»

2011 йил 9 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида БМТнинг Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Конвенцияси ижроси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг эшитуви бўлиб ўтди. Бунда қўмита Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Конвенция Ўзбекистонда амалга оширилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотларини эшитди.

Маълумки, мазкур Конвенция БМТ Бош Ассамблеясининг 1965 йил 21 декабрдаги 2106 (XX) резолюцияси билан қабул қилинган ва 1969 йил 4 январда кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ушбу Конвенция 1995 йил 28 сентябрда ратификация қилинган. Ўзбекистон ушбу Конвенциянинг қоидалари ижроси юзасидан БМТга мунтазам равишда даврий ҳисоботларни тақдим этиб келмоқда.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида қонунлар тизими яратилди. Бу борада узлуксиз таълим ва ахборот бериш асослари шакллантирилди. Натижада, фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ошди, демократик ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси юксалди.

Айниқса, юртимизда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга доир аниқ йўналтирилган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролараро тотувлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш ҳаётий қоидага айланган.

Шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг давлат ва жамоат ишларида фаоллиги, шу билан бирга, бу миллат вакиллари ичида депутат ва сенаторлар ҳам борлиги алоҳида эътироф этилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимига оид фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар билдирилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган қўмита эшитуви якунида тегишли тавсиялар ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди.

Қўмита эшитувида Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари, миллий маданий марказлар раҳбарлари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

# Навбатдаги ўқув машғулоти

**Лола ШОМУРОТОВА,**
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Мустақил юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш каби масъулиятли вазифаларни зиммасига олар экан, ҳар бир прокуратура ходими адолатпарварлик, ватанпарварлик, ўз бурчига садоқат, маънавий етуклик каби фазилатлар соҳиби бўлмоғи шарт. Шу маънода Тошкент шаҳар прокуратурасида ҳам ходимларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш борасида мунтазам равишда ўқув машғулотлари ўтказилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 5 август куни Тошкент шаҳар прокуратураси мажлислар залида ходимларнинг касб маҳоратини оширишга қаратилган навбатдаги ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Ушбу ўқув машғулотида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ф.Зоиров, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи ўринбосари С.Қобуловлар иштирок этишди.

Олий Мажлис депутати Ф.Зоиров "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонуннинг моҳияти" мавзусида маъруза қилиб, Бош прокуратура ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Шунингдек, маърузачи С.Қобулов "Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти" мавзусида атрофлича тўхталиб ўтар экан, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар давр талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқилганини таъкидлади.

Бундай тадбирлар, прокурор-тергов ходимларининг янги қабул қилинган қонунлардан чуқур хабардор бўлиш билан бирга, ўзлигимизни англаш, тарихимиз ва миллий қадриятларимизни эъзозлаш руҳида камол топишларида муҳим ўрин тутади.

# Малака оширишнинг янги механизмлари

*Жорий йилнинг 28-29 июль кунлари Тошкент шаҳрида "Молиявий жиноятларни тергов қилишда очиқ манбалардан олинган маълумотларни тўплаш усуллари, уларни таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш (интернет - разведка)" мавзусида семинар ўтказилди.*

**Ш.ТАШНАЗАРОВ,**
СВОЖДЛҚК Департаментининг Халқаро алоқалар бўлими катта инспектори

Мазкур семинар "Молиявий мониторинг бўйича ўқув-услубий халқаро маркази" (МУМЦФМ) кўмагида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва Марказий банк томонидан ташкиллаштирилди.

Ушбу семинарнинг ўтказилишидан асосий мақсад очиқ манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилишда касбий маҳорат ва малакани шакллантириш ҳамда тингловчиларга замонавий таҳлил усулларидан самарали фойдаланишнинг йўлларини ўргатишдан иборат бўлди.

Семинарда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи вазирлик ва муассасаларнинг 30 нафардан ортиқ вакиллари иштирок этишди.

Мазкур семинарнинг эксперти сифатида "ИНФОРУС" (Россия) Консорциумнинг Бош директори иштирок этди.

Семинар дастурига мувофиқ, иштирокчилар Интернет тармоғи билан ишлашда ахборотларни одатий усулда қидиришнинг муаммо ва камчиликлари билан танишиб чиқишди.

Бундан ташқари, семинарда кенг тарқалган қидирув тармоқлар (Yandex, Google, Rambler ва бошқалар) билан ишлашда профессионал ишни ташкиллаштириш масалалари кўриб чиқилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятининг ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминланишида зарур бўлган маълумотларни қидиришнинг энг самарали механизмлари ўрганилди. Эксперт томонидан келтирилган маълумотларга кўра, юқорида кўрсатилган механизмларнинг қўлланилиши орқали керакли маълумотларни излашга сарфланадиган вақтнинг 80 фоизини тежашга эришиш мумкин.

Семинар давомида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот базаларидан ғайриқонуний равишда фойдаланишнинг олдини олиш ҳамда ушбу масалалар бўйича ходимларни мунтазам равишда ўқитиб боришни ташкиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

# Ҳар ерни қилма орзу

Хушнур **МАҚСУДОВ**
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Асли қизилтепалик Олим Хўжаев бир қанча вақт Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига бориб ишлаб, қишлоғига қайтди. Келганидан сўнг текин даромад топиш илинжида ҳамқишлоқларининг ишончига кириб, уларни авради:

— Агар айтганимни қилсанглар, пулнинг тагида қоласизлар, фақат бир-бирингизни алдамай ишласак бўлгани, — деди бир куни йиғилган ҳамқишлоқларига. — Иш билан таъминлаш, яшаш шароитларини яратиш менинг зиммамда. Ким ишлашни хоҳласа, ҳужжатларини ва белгиланган маблағни олиб келсин. Мен билан Чимкентга борганларингдан сўнг, ҳужжатларни расмий рўйхатдан ўтказаман.

Бундай таклифдан ҳовлиқиб қолган ҳамқишлоқлари зудлик билан керакли пулларни йиғиб беришади. Уларнинг ишончига кириб олган О.Хўжаев Чимкентга етиб келгач, уларни ташлаб, жуфтакни ростлаб қолади. Ўнлаб қизилтепалик ҳамқишлоқлари унинг найрангига чув тушиб қолишади.

Яқинда Нурота туман судида ҳам ана шундай айблов хулосаси билан жиноят иши кўриб чиқилди. Шу туманда истиқомат қилувчи Н.Қурбонов 2009 йилда тўрт нафар ҳамқишлоғини ноқонуний тарзда Россия Федерациясининг Москва вилоятига ишга олиб кетади. Айтилган жойга борганларидан сўнг уларни ўз ҳолига ташлаб, қочиб қолади. Ишсиз, кўчада қолган ҳамқишлоқлар омад туфайли ўз юртларига қайтиб келишади.

Дастлабки тергов ва судда аниқланишича, Н.Қурбонов адашган ҳамқишлоқларига 10 миллион 850 минг сўмлик маънавий зарар етказган. Тергов жараёнида у 8 миллион сўмини қоплади.

Афсуски, қанча тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмасин, айрим содда фуқароларимиз қаллобларнинг тузоқларига билиб-билмай илиниб қолишмоқда. Касб-ҳунар билим юртларида, умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртларида чет элларни ёлғон ваъдаларга учиб орзу қилмаслик, алданиб қўлга айланиб қолмаслик ҳақида кўргазмали семинарлар, учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилмоқда. Республикадан четга чиқмоқчи бўлганлар маҳалла фуқаролар йиғинига бу ҳақда билдиришлари керак.

Вилоятимизда янги иш ўринлари яратиш йўлида кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён қарийб 8 минг нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштирилди. Шаҳар ва туманлардаги аҳоли бандлиги марказлари 12 марта меҳнат ярмаркалари ўтказди. Унда 493 та ташкилот, корхона ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этди. 1200 нафар киши иш билан таъминланди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг жойлардаги масъул котибларини ўқитиш ва уларнинг ўзаро тажриба алмашишлари учун қатор семинарлар ва ўқув-амалий машғулотлар ҳам ташкил қилиб борилмоқда.

2008 йилда мамлакатимизда "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Шу йилнинг ўзидаёқ янги таҳрирдаги Жиноят кодексида одам савдоси билан шуғулланган шахсларга нисбатан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган модда қўшилди.

Сўнгги йилларда бу кўринишдаги жиноятлар сони кескин камайган бўлса-да, бу қониқарли ҳолат эмас. Жорий йилнинг ўтган беш ойида вилоятимизда республикадан ташқарига ноқонуний одам чиқариш билан боғлиқ 9 та жиноят фош этилиб, 10 нафар шахс жавобгарликка тортилди. Уларнинг ноқонуний ҳаракатларидан 23 нафар киши жабр кўрди. Улар орасида аёллар ва вояга етмаганларнинг борлиги эса ачинарли ҳолдир.

# Назорат олиб борилмоқда

*Инсон қай бир соҳада меҳнат қилмасин, энг аввало, меҳнатининг қадрланиши ва шунга муносиб ҳақ тўланишини истайди. Лекин буларнинг акси бўлиб чиқсачи? Албатта, ишдан кўнгли совийди. Бу эса мазкур корхона ёки ташкилотда иш унумдорлигининг ҳам пасайишига олиб келади.*

**Р.АБДУЛЛАЕВ,**
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган текширишларда бу борадаги ҳолат қониқарли эмаслиги аён бўлди.

Текширишларда айрим корхона раҳбарлари ва масъул ходимлари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараб, биринчи даражали тўловлар учун ажратилган маблағларни ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмаганликлари аниқланди. Жумладан, Термиз туманидаги вилоят "Агрокимё" станцияси маъмурияти томонидан ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётгани ҳақидаги мурожаат туман прокуратураси томонидан ўрганилганда, 2011 йил 1 февраль ҳолатига станциянинг 7 нафар ишчи-хизматчиларининг 1 млн. 830 минг сўм иш ҳақлари тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди. Туман прокуратураси аралашуви билан мазкур ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари ундириб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, М.Пардаев ва бошқалар Термиз шаҳрида фаолият юритиб келаётган "Сурхон кўклам обод" агрофирмаси бошлиғи Қ.Худойқулов билан 2011 йил 4 мартдан 8 мартга қадар Термиз тумани "Солиобод" маҳалласи ҳудудида жойлашган Аэропорт ҳудудини кўкаламзорлаштириш учун ерларни текислаб бериш эвазига 485 минг сўм иш ҳақи тўлаш шартига оғзаки келишишган. Дастлаб, Қ.Худойқулов келишувга биноан иш бошидан бўнак сифатида ишчиларга 110 минг сўм пул берган. Бироқ, ишлар ўз вақтида бажарилган бўлсада, ишчиларнинг қолган 375 минг сўм иш ҳақини бермаган. Термиз туман прокуратурасининг аралашуви билан М.Пардаев ва бошқаларнинг 375 минг сўм иш ҳақлари ундириб берилиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда тегишли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

# Йўқотилган ҳужжатлар

*Абдуҳамид Мавлонов "Эрта" МЧЖ раҳбари, демак унда имконият ва имтиёзлар роса кўп. Энди бу имкониятларни ишга сола олармикан?! Бунақа одамларга ҳар қадамда, ҳар жойда ёрдамчилар топила қолади. "Орзу-Қурувчи-Бинокор" МЧЖ директори Фурқат Ризаев, бош ҳисобчиси Жасур Насимов ҳамда "Регистон-Қурилиш-Имкон" хусусий корхонаси директори Миржамол Каримовлар унга яқиндан ёрдам беришга киришишди.*

**Ислом ШЕРОВ,**
СВОЖДЛҚК Департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Дастлаб ишни "Эрта" МЧЖ банк ҳисобидан "Орзу-Қурувчи-Бинокор" МЧЖ ҳисоб рақамига 6 млн. 500 минг сўмни кўчиришдан бошлади. Натижа ёмонмас, "ишласа" бўларкан. Кўчирилган маблағ ими-жимида шериклар ўртасида тақсим бўлди. Энди бошқа ишларни ҳам бир синаб кўриш навбати келиб қолди. А.Мавлонов Ургут туманидаги 142-мактабни таъмирлашга киришди. Аслида эса чўнтак қурғурни "таъмирлаш" мақсади ҳам йўқ эмасди. Кўзланган мақсад аъло даражада бўлди. "Регистон-Қурилиш-Имкон" хусусий корхонаси бу борада ёрдамини аямади. Мактаб таъмири учун кўчирилган 95 млн. 340 минг сўм пулдан 10 млн. 240 минг сўм пулни яшириб қолишга эришишди. Ўмарилган пуллар А.Мавлонов ва М.Каримов ўртасида бўлиниб кетди. Ҳужжатларни эса сохта ёзувлар билан чиройли қилиб тўлдириб қўйишни унутишмади.

А.Мавлонов "Ойни этак билан ёпиб бўлмаслигини" жуда яхши биларди. Шу боис ўз кирдикорларини яширишга истади. "Эрта" МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолиятига доир барча ҳужжатларни қасддан йўқ қилиб юборди.

"Орзу-Қурувчи-Бинокор" МЧЖ директори Фурқат Ризаев ҳам анча "ишбилармон" чиқиб қолди. У МЧЖга кирим қилинган 30 млн. сўмлик цементни нақд пулга сотиб юборди. Бундан ташқари, бош ҳисобчи Жасур Насимов билан тил бириктириб, "МЧЖнинг солиқ ва бошқа тўловлардан қарзи йўқ" мазмунидаги ДСИнинг сохта маълумотномасини рангли принтер ёрдамида тайёрлаб, банкка тақдим этди. Алалоқибат, жиноятларини яшириб юролмаслигини сезган Ф.Ризаев ва Ж.Насимовлар "Орзу-Қурувчи-Бинокор" МЧЖнинг ҳисобхона ҳужжатларини қасддан йўқ қилишди.

"Регистон-Қурилиш-Имкон" хусусий корхонаси раҳбари Миржамол Каримовнинг ҳам "айби" юқоридагиларникидан қолишмайди. У фаолияти давомида 155 млн. сўмлик цемент сотиб, харидорларга чек уриб бермаган. Маблағни эса банкка топширмасдан бошқа ишларга сарфлаб юборган. М.Каримов корхонага М.Файзиевни расман бош ҳисобчи этиб тайинламаган бўлса-да, унинг номидан сохта ҳужжатлар тайёрлайверган. Бироқ, ишнинг чаппа кетишидан қўрққан М.Каримов ҳам ҳужжатларни йўқотиб юборган.

Фақат чўнтагини қаппайтиришни ният қилган бу кимсалар суднинг қора курсисига ўтиргач, хатоларини англаб етишди. А.Мавлоновга 1 йилу 8 ой ахлоқ тузатиш жазоси ва энг кам иш ҳақининг 340 баравари миқдорида жарима белгиланди. Ф.Ризаев, Ж.Насимов, М.Каримовларга эса ахлоқ тузатиш жазоси ва энг кам ойлик иш ҳақининг 320 баравари миқдорида жарима белгиланди.

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# Тадбиркор — жамият таянчи

**Рустамжон УМАТАЛИЕВ,**
Наманган шаҳар прокурори

***Юртбошимиз "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди", дея бежиз таъкидламаган.***

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиётининг асосий таянчига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ички бозорни харидоргир ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлашда, турмуш тарзининг юксалишида мазкур соҳанинг ўрни нечоғли юксак эканлиги тобора яққол намоён бўлмоқда.

Айтиш жоизки, биргина жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш миқдори 117,8 фоизга тенг бўлди. Бундан кўринадики, соҳани жадал ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасидаги чора-тадбирлар ижобий самара бермоқда.

Бу борада бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар қатори прокуратура органлари, хусусан, Наманган шаҳар прокуратураси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, давлат органлари, назорат қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи ва лицензия берувчилар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мазкур йўналишдаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Бу борада асосий эътибор тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувини чеклашга қаратилди. Шу билан бирга, соҳани ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар мобайнида мансабдор шахслар ва назорат органи томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказиш, шунингдек, улар фаолиятига ноқонуний аралашиш каби ҳолатлар ҳам аниқланди. Хусусан, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси фаолиятида ҳам бу каби камчиликларни кузатиш мумкин.

Жумладан, инспекциянинг йирик солиқ тўловчиларни мониторинг қилиш шўъбаси бошлиғи М.Қодиров ва шўъба инспекторлари Р.Ғаниев ҳамда Ж.Расулов "Ҳумо телеком сервис" масъулияти чекланган жамияти гувоҳнома ва Низомида Наманган шаҳар, 1-Хива кўчаси, 56-уйда фаолият кўрсатиши акс этган бўлиб, текшириш кунида ҳам мазкур манзилда фаолият юритаётганига қарамай, асоссиз равишда "жамият манзилини ўзгартирган" деган тўхтамга келиб, 2011 йил 8 февралда жамиятнинг "Ипотека банк" Наманган вилояти филиалидаги ҳисоб рақамининг чиқиш операцияларини тўхтатиб қўйишган.

Ажабки, жамият раҳбари И.Абдуллаев 9 февраль куни шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи номига ариза ёзиб, унда жамият манзили рўйхатдан ўтган вақтдан буён ўзгармагани, ҳозирда ҳам ушбу манзилда фаолият юритаётгани, банкдаги тўхтатиб қўйилган ҳисоб рақамини очиб беришда ёрдам сўраб мурожаат этган бўлса-да, негадир бунга эътибор қаратилмаган. Аксинча, қонунга зид равишда жамият раҳбари И.Абдуллаев ва бош ҳисобчи А.Акбаровга 2011 йил 10 февраль куни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $176^2$-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланган. Боз устига, расмийлаштирилган баённома ва қарор жамият раҳбари ҳамда бош ҳисобчисига таништирилмай, уларга имзолатилмаган ҳолда ҳар биридан 497 350 сўмдан, жами 994 700 сўм жарима ундириб олинган.

Шунингдек, "Ёсинхон қурилиш савдо" хусусий корхонаси томонидан 2010 йилнинг 2-чораги якуни бўйича ҳисоботларни топширишга рухсат берилишини сўраб шаҳар Давлат солиқ инспекциясига мурожаат этилган. Мазкур мурожаат инспекция томонидан 2010 йил 16 август куни кирим қилинган. Бироқ корхона раҳбари ва бош ҳисобчисини маъмурий жавобгарликка тортиш учун 2 ойлик муддат ўтиб кетган бўлса-да, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи Н.Аҳмедов томонидан 2011 йил 21 февралда корхона раҳбари Л.Мамадалиев ва бош ҳисобчиси Х.Мамадалиев Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси, 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима жазосига тортилиб, қонунга зид қарор қабул қилинган.

**/Давоми 7-бетда/**



# Фуқаролик жамияти

## ҳуқуқий билимдонликни тақозо этади

**Муҳаммаджон УМАРОВ,**
Фарғона вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Халқимизнинг асрий орзулари ушалган, мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган қутлуғ санани ўзгача шукуҳ билан қарши олаяпмиз. Йигирма йил кўҳна тарих солномасидаги кўз очиб юмгунча фурсатда эришган ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Юртбошимиз раҳнамолигида янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш қуришни кўзлаб ўтказилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Ҳар бир киши қобилияти ва салоҳиятини тўкис намоён қилиши, шахс сифатида ўзлигини тасдиқлай олиши, ўз меҳнати билан моддий ва маънавий бойликларни яратиш, кўпайтириб бориш эвазига бадавлат яшаши учун барча шарт-шароитлар ҳавола этилган фуқаролик жамиятининг қонуний асослари мустаҳкамланмоқда. Амалдаги қонунлардан озми-кўпми бохабар фуқаролар мулкдор, тадбиркор сифатидаги ҳуқуқларини тасарруф этиб, ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида катта-кичик корхоналарини, ўз ишларини ташкил қилиб, ривожлантириб боришмоқда. Ҳуқуқларини тасарруф этиш билан бирга мажбуриятларини адо этишяпти, солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида ҳамда тўкис амалга оширишяпти.

Бироқ ҳуқуқларидан фойдаланиб, мажбуриятларини адо этмайдиганлар ҳам учрайди. Уларнинг муайян қисми, қасддан эмас, қонунчиликдан бехабарликлари туфайли қонунбузилишига сабабчи ёки иштирокчи бўлиб қолишади. Бошқа ҳар хил турдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноий қилмишларни билиб-билмай содир этганлар ҳам жавобгарликка тортилишади. Негаки, қонун талабини билмаслик жавобгарликдан халос қилмайди.

Прокуратура органлари зиммасига қонунийликни таъминлашдай масъулиятли вазифа юклатилган. Бу вазифани адо этиш йўлларидан бири — ҳуқуқ тарғиботини кучайтириб, фуқароларнинг ҳуқуқий билимдонлигини ошириб бориш устида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Маълумки, жазонинг муқаррарлигидан ташқари ҳуқуқий маданият жиноят ёки ҳуқуқбузарликни содир этишдан тийиб турувчи воситадир. Қонунлардан бохабар, ғайриқонуний қилмишининг оғир оқибати, жазосиз қолмаслигини аниқ-равшан билган киши қасддан жиноят содир этишдан тийилиб туриши муқаррар. Демак, ҳуқуқ тарғиботи, амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларини оммалаштириш, имкон қадар ҳар бир фуқарога етказиш жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олибгина қолмай, зарур пайтда ўша жойнинг ўзида ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш ёинки бузилган ҳуқуқини тиклаш учун курашиш кўникмаларини шакллантириб бориши билан ҳам беқиёс аҳамият касб этади.

Вилоят прокуратураси органлари ОАВлар орқали чиқишлар, жойларда фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар, маърузалар каби ҳуқуқ тарғиботининг анъанавий воситаларидан ташқари иш самарадорлигини ошириб боришнинг бошқа, таъсирчан воситаларини қўллашяпти. Ўзбекистон туман прокуратурасида ташкил этилган қонунчилик тарғиботи хонасининг фаолияти ана шундай изланишларнинг намунасидир. Бу ерда ҳафтанинг олти кунида ўтказиладиган тадбирларнинг мундарижаси белгилаб қўйилган. Душанба Президент асарларини, сешанба янги қонун, қарор ва фармойишларни ўрганиш кунлари бўлса, чоршанбада вояга етмаганлар билан, пайшанбада қишлоқ хўжалиги ходимлари билан ўтказилаётган тадбирларда ҳуқуқ ва бурчларига оид билимлар сингдириб борилмоқда. Жума куни ташриф буюрган кичик бизнес намояндалари, тадбиркорлар тарғибот хонасида соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатларини чуқур ўзлаштириш имкониятини тасарруф этишяпти, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олишяпти. Шанба куни ташриф буюрганлар эса халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ нормаларига оид қонун ҳужжатлари билан таништирилмоқда.

Тарғибот хонасида Президент асарлари, амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг тўпламлари, соҳага оид журналлар, марказий ва маҳаллий матбуот нашрлари тўкис жамланган. Туман прокуратураси ходимлари томонидан ташкилот ва муассасаларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган тадбирларнинг мавзулари бўйича матнлари, фотоальбомлари, "Президент асарлари билимдонлари" кўрик-танлови ғолибларининг иш намуналари эътиборни тортади. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактика ишлари самарадорлигини ошириш борасида сўнгги уч йил мобайнида ўтказилган тарғибот ва ташвиқот тадбирларидаги маъруза ва суҳбатларнинг матнлари, фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида қатнашиб, юқори натижаларга эришган ўқувчилар ҳақида фотолавҳали маълумотлар катта қизиқиш уйғотади.

Маълумотлардан тумандаги нотинч, жанжалкаш оилалар, диний-экстремистик оқим аъзоси бўлган хонадон эгаларининг фарзандлари, профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар билан мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Қонун тарғиботи хонасидаги миллий мафкурани шакллантиришга қаратилган адабиётлар, дисклар ва бошқа қўлланмалардан вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик ва диний ақидапарастликнинг олдини олиш, ўқувчи-ёшларга Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳини сингдириб боришда фойдаланилмоқда. Шунингдек, туман прокурорининг ташаббуси билан "Конизар юлдузлари" ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясининг балансидаги клуб биносида ташкил этилган "Ёшлар ижодиёт маркази"даги тўгаракларга қатнашаётган болаларнинг иш намуналари тарғибот хонасидаги тадбиркорлар бурчагидан жой олган.

Бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасидаги ишлар, шунингдек, ҳуқуқ тарғиботи тадбирлари натижасида 2010 йили 2009 йилга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 60 фоизга, бу йилнинг биринчи ярмида ўтган йил биринчи ярмига нисбатан тенг баробарга камайишига эришилди.

Қонунчилик тарғиботи хонасининг тадбиркорлар бурчагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга оид Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижроси билан боғлиқ таҳлилий маълумотлар, адабиётлар, маъруза матнлари, фотолавҳалар жума кунлари ташкил этилаётан мулоқотлар жонли ва самарали ўтишига хизмат қиляпти. Шунингдек, туман прокуратурасида ёш мутахассислар ва жамоатчи ёрдамчилар учун ташкил этилган услубий хонадаги Бош прокурорнинг "Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида"ги буйруғи, ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш ҳақидаги Низом, "Прокурорнинг жамоатчи ёрдамчиси тўғрисида"ги Низом, прокурор назорат ҳужжатлари ва процессуал ҳужжатларнинг намуналари иш ўрганиш ва назарий билимларни амалда қўллаш малакасини эгаллаб боришларида қўл келмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билим савиялари ошиб бориши ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишлари, жамиятда ўз ўринларини топишлари, ҳар бир ишда амалдаги қонунларнинг талабларига оғишмай риоя қилишлари, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик каби иллатлардан ўзларини асрашларига билвосита таъсир кўрсатади. Фуқаролик жамиятининг асосларидан бири — қонунларга ҳурмат руҳи сингиб боради.

# Фаровон турмуш кафолатлари



*(Давоми. Бошланиши 1-бетда)*

Мамлакатимизда барча фуқаролар ўзларига мақбул, иқтидорлари, билимлари, тажрибаларига мос иш билан машғул бўлишлари учун қонуний замин яратилди. Тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиш, катта-кичик корхоналарни барпо этиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар ҳавола этилмоқда. Қурилиш қилгани ер майдони, иш бошлагани банк кредитлари тезкорлик билан ажратиб берилмоқда.

Меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиб бориш имкониятлари кенгаймоқда. Айни чоғда вилоятда 50437 та тадбиркорлик субъектлари бўлиб, уларнинг 32481 таси кичик бизнес намояндаларидир. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида тижорат банклари 1200 дан зиёд тадбиркорларга салкам 130 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратиб беришди.

Бош прокурорнинг кўрсатмасига кўра, прокуратура органларининг жойлардаги тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлари, "Ишонч телефонлари" орқали олинган мурожаатларни қонуний ҳал этишлари тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини англаб олишларига дастак бўлмоқда. Бевосита вилоят прокурори томонидан тадбиркорлар билан учрашув ўтказилганидан кейин кўп ўтмай Марҳамат туманидаги "Марҳаматсут" корхонаси раҳбари Д.Бегматов СВОЖЖДЛКҚ Департаментининг вилоят бошқармасига мурожаат қилган. Ўтказилган тадбирда кичик бизнес соҳибини бирлашмага аъзо қилиш, фаолиятига тўсиқ қўймаслик эвазига талаб қилган 3 минг АҚШ долларининг 600 долларини пора тариқасида олган "Андижонгўштсутсаноат" вилоят ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси А.Сирожиддинов жиноят устида ушланган.

Олтинкўл туманидаги "Абдумутал-лаззат" хусусий корхонасининг раҳбари М.Умрзоқов туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилиб, туман энергосотиш бўлими муҳандиси Ш.Асқаров ўтган йил ноябр ойида 100 АҚШ доллари ва декабрь ойида 200 минг сўм пул олиб, қалбаки тўлов дафтарчаси ёзиб берганн, оқибатда олти ой мобайнида 1 млн. 260 минг сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган, электр энергияси учун 752 минг сўм тўлаганини баён этди. Мурожаатни ўрганиш натижаларига кўра жиноят иши қўзғатилди.

Янгидан фаолият бошлаётган, фаолият доирасини кенгайтираётган кичик бизнес соҳиблари иш ўринлари яратиб, меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Шу йилнинг олти ойи мобайнида мурожаат этган 36133 нафар фуқаронинг 33410 нафари иш билан таъминланди. Вилоят бўйича 43974 та янги иш ўринлари яратилиб, дастур талаблари 111 фоизга бажарилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган шахслар 860 та катта-кичик корхоналардаги банд этиб қўйилган 7551 та иш ўринларига жойлаштирилмоқда.

Бироқ, ишга жойлаштириш бевосита хизмат вазифалари бўлган айрим шахслар пора талаб қилиб олган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Масалан, фуқаролардан бирини ишга жойлаб қўйгани учун 100 минг сўм, бошқа бирига иш топиб беришни ваъда қилиб 75 минг сўм пора талаб қилиб олаётган Олтинкўл туманидаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директорининг ўринбосари А.Болтабоев жиноят устида ушланди. Тергов ниҳоясига етказилиб, судга оширилди. Суд тамагирга тегишли жазо тайинлади.

Асака туманидаги "Ором умумий овқатланиш" МЧЖ раҳбарлари эса 19 нафар ишсизлар иш билан таъминланганини ҳақида сохта ҳисоботларни тақдим этиб, касаначиларга ҳавола этилган солиқ борасидаги имтиёздан ноқонуний фойдаланиб келишган. Бюджетга 5,5 млн. сўм ягона ижтимоий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган сохтакорларга нисбатан туман прокуратураси жиноят иши қўзғатди.

Прокуратура органлари иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш устида доимий иш олиб боришмоқда. Иш ҳақи, нафақа ва пенсияларни нақд пул билан таъминлаш борасида банк муассасаларининг масъулияти кучайтириляпти. Шу тариқа жорий йилнинг 6 ойи мобайнида пенсия, нафақа ва бюджет ташкилотлари иш ҳақи учун талаб этилган 44,8 млрд. сўм маблағларнинг тўлиқ молиялаштирилиши ва тўланиши таъминланди.

Таҳлиллар банкларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун етарли миқдорда нақд пул тушуми тушириламаётганини кўрсатяпти. Шунингдек, айрим мониторингга олинган корхоналарнинг мансабдор шахслари дебитор ва кредитор қарздорликни бартараф этиш чораларини кўрмаганн оқибатида ходимларга иш ҳақи тўланмай қоляпти. Бундай шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатишгача қонуний чоралар кўрилмоқда.

Чунончи, Жалақудуқ туманидаги "Тошматов агротехсервис" ММТП мансабдор шахсларининг айби билан муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни бартараф этиш чораларн кўрилмасдан 26 нафар ишчи-хизматчиларнинг 21,4 млн. сўмлик иш ҳақлари тўланмаган. Туман прокуратураси ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатди.

Соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат тадбирларида айрим тиббиёт муассасаларининг раҳбар ва ходимлари вазифаларини лозим даражада бажармасдан, мол-мулк, тиббиёт ускуналари, бюджет маблағларининг талон-торож қилинишига йўл қўйиган, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқлари бузилган ҳолатлар аён бўлди. Хусусан, Саломатлик ва тиббий статистика институти Андижон филиали мансабдор шахслари иш ҳақи ва бошқа мақсадларда сарфлаш учун банк муассасасидан олинган 18 млн. сўмликдан зиёд бюджет маблағларини муассаса ғазнасига кирим қилмасдан ўзлаштиришган. Шунингдек, 1 млн. 216 минг сўм бюджет маблағларини асоссиз харажатга чиқаришган. Юқоридаги ҳолатларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фарзандларимиз соғлом, баркамол улғайиб, жамиятда ўз ўринларини топишлари учун зарур иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилмоқда. Таълим тўғрисида, вояга етмаганлар ишлари борасидаги қонунлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни кўзлаб, давлат ва жамоат ташкилотлари билан қалин ҳамкорликда мунтазам иш олиб борилмоқда. Йил бошидан буён ўтказилган таҳлилларда аниқ-



ланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан 5042 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Вилоят марказида барпо этилган болалар шаҳарчасининг тарбияланувчилари етук инсонлар бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Вояга етмаганларни, коллеж-ларнинг битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор беріляпти. 70 маротаба ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнашган 256 нафар битирувчиларнинг 86 нафари ўзлари танлаган соҳалар бўйича ишга йўлланмалар олишди. Тадбиркорлик билан шуғулланишга бел боғлаган 335 нафар битирувчиларга жами 1 млрд. 15 млн. сўмлик кредитлар берилиши таъминланди. Бироқ битирувчиларни иш билан таъминлашга оид уч томонлама шартномалар тузилишида "ҳисоботбозлик касаллиги" барҳам топмаяпти. Хусусан, ҳисоботларга кўра, Андижон туманидаги педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт коллежининг 291 нафар битирувчилари уч томонлама шартномалар асосида ишга юборилган. Аслида 31 нафар битирувчиларга тузилмаган шартномалар ҳам ҳисоботга тиркаб юборилган.

Вояга етмаганларнинг таълим олишлари, соғлиқларига оид қонун ҳужжатлари ижросининг таҳлилларида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этиб борилмоқда. Бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спорт машғулотларига жалб этиш тадбирлари ўз самарасини бермоқда. Вилоятда сўнгги етти йил мобайнида 17,1 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 100 та болалар спорти иншоотлари қурилди. Андижонлик ёшларнинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги ғалабалари тенгдошларини спорт билан мунтазам шуғулланишга қизиқтирмоқда. Комплекс чора-тадбирлар, вояга етмаганлар ўртасидаги таъсирчан профилактика ишлари, таълим-тарбия борасида ота-оналарнинг, педагогларнинг масъулиятларини кучайтириш тадбирлари ўз самарасини бериб, ўтган ярим йилда ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ўсишига йўл қўйилмади.

Вилоят иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллаган қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида меҳнат унумдорлиги, иш самарадорлиги ўсиб боряпти. Етиштирилган маҳсулотлардан олинган даромад экинлар ҳосилдорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш тадбирларига, қишлоқларда яшаш шароитларини яхшилаш, кичик бизнес ва сервисни ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Прокуратура органлари фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларнинг зиммаларига олган шартномавий мажбуриятларини адо этиш борасидаги масъулиятларини кучайтириш, қонунбузилишларнинг олдини олиш устида ишлашмоқда.

2011 йилнинг олти ойи мобайнида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг қонунийлигини таъминлаш борасидаги таҳлилларнинг натижаларига кўра 268 та протест, 688 та тақдимнома киритилди. Қонунбузилишига йўл қўйган масъул шахсларнинг 2828 нафари расман огоҳлантирилди. 1522 нафари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 248,7 млн. сўмлик зарарлар ихтиёрий ундирилиб, судларга 6,8 млрд. сўмлик зарарларни ундириш ҳақида 1151 та даъво аризалари киритилди. 121 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. 2146 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги тадбирлар жараёнида 1377,1 га. ер майдони, 62,8 тонна минерал ўғит, 117,2 тонна омухта ем, 760 тонна нефть маҳсулотлари, 19 та қишлоқ хўжалиги техникаси ажратиб берилиши таъминланди. Прокуратура органлари ерларни экишга тайёрлаш, экинларни жойлаштириш, агротехника қоидалари асосида парваришлаш жараёнларини мониторинг тарзида ўрганиб боришяпти. Аниқланган қонунбузилишлар бартараф этиляпти. Шу тариқа фермер хўжаликлари кўзда тутилган пилла ва ғалла ҳосилини етиштириб топширишлари, пахтадан режалаштирилган ҳосил етиштиришлари, шартномаларни адо этишлари учун пухта замин ҳозирланди. Шартномаларда кўзда тутилган миқдорда 3295 тонна пилла етиштириб топширилди. Давлатга дон сотиш буюртмаси 107,8 фоизга бажарилиб, жами 300 минг тоннадан зиёд дон етказиб берилди.

Айни чоғда ғўза парваришида агротехника қоидаларига риоя қилиш, етиштирилаётган ҳосилни зараркунанда ва ҳашаротлардан асраш тадбирлари таҳлил қилинмоқда. Биолабораториялар фаолиятларининг таҳлиллари натижаларига кўра қўлланилган таъсир чоралари ўз самарасини берди. Режалаштирилганига нисбатан анча кўп — 119,9 фоиз трихограмма, 115,6 фоиз бракон, 259,4 фоиз олтинкўз тайёрланди. 133,6 минг гектар майдондаги ғўзаларга трихограмма, 104,2 минг гектарда бракон, 91,7 минг гектарда олтинкўз биомаҳсулотлари қўйилиб, зараркунанда ҳашаротларнинг уруғи қуритилмоқда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари, биолабораториялар ишчи-ходимларининг иш ҳақларини ўзлаштирган айрим мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Прокуратура органлари, шунингдек, ер соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни таҳлил қилиб бориб, қонунбузилишларни бартараф этишяпти. Мақсадсиз фойдаланилган, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерларнинг қайтарилиши таъминланяпти.

Қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг асосий тамойилидир. Вилоят прокуратураси органларининг ходимлари турмушимизнинг барча жабҳаларида қонунийликни таъминлашдан иборат вазифалари, хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишмоқда.

## Андижон вилояти



Андижон вилояти 1941 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди 4,3 минг кв. км. Аҳолиси 2 млн. 612 минг кишини ташкил этади. Вилоят 14 та тумандан иборат. 11 та шаҳарнинг 2 таси вилоятга, 9 таси туманга бўйсунади. Вилоятда 50437 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатяпти. 454 та мактабгача таълим муассасаларида салкам 50 минг нафар болалар тарбияланяпти. 739 та умумтаълим мактабларида 407356 нафар, 129 та лицей ва коллежларда 145361 нафар ўқувчи, 4 та олий ўқув юртида 15089 нафар талаба таълим олмоқда.

# Истиқлол шарофати

**Акмалжон КАРИМОВ,**
Асака туман прокурори



Хориж сафаридан қайтган таниш йигит супермаркетлардан бирида "Made in Usbekistan" ёрлиғи қадалган бежирим кўйлакка кўзи тушиб, ҳаяжонланиб, тўлқинланиб кетганини эслади. Дарвоқе, мамлакатимиз саноат молларини нафақат импорт, балки хорижга экспорт қилувчи давлатлар қаторидан жой олмоқда. Асакада ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар хориждаги харидоргир автоуловлар қаторида тилга тушмоқда. Хорижлик ишбилармонлар мамлакатимизга дадиллик билан инвестициялар киритишяпти. Қўшма корхоналар барпо этишяпти. Иқтисодиёт барқарор ривожланиб бормоқда. Буларнинг бари Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг самаралари. Оқилона сиёсатнинг яна бир намунаси — давлат бошқарув тизими ихчамлаштириляпти. Битта жойдаги шаҳар ва туман бошқарув идоралари бирлаштириляпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорларига асосан Асака шаҳри ҳам туманга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритилди. Аввалги шаҳар ва туман ҳокимлиги, алоҳида-алоҳида бошқарув, ҳуқуқ-тартибот идоралари тугатилиб, ягона туман ҳокимлиги ва идоралари тарзида қайта ташкил этилди. Шу жумладан, муқаддам фаолият кўрсатган Асака шаҳар прокуратураси тугатилиб, қайтадан ташкил этилган туман прокуратураси билан бирлаштирилди. Шу тариқа бюджет маблағлари иқтисод қилиниши билан бирга қайта ташкил этилган бошқарув, ҳуқуқ-тартибот идоралари самаралироқ ишлашлари учун қулай шарт-шароит вужудга келтирилди.

Йил бошида қайта ташкил этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилишида бултур жиноятчиликка қарши кураш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятда йўл қўйилган жиддий камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Профилактика ишларини жамоатчиликни жалб этган ҳолда кучайтиришга, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарган бевосита ва билвосита сабабларни бартараф этишга киришилди. Таҳлилларда жиноий қилмишларнинг қарийб ярми ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар томонидан содир этилгани инобатга олиниб, меҳнат ва бандлик муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган мониторингда расмий маълумотларга нисбатан ишсизлар бир мунча кўплиги аниқланиб, кўзбўямачиликка чек қўйилди. Тадбиркорлар томонидан таклиф этилаётган янги иш ўринларига, вакант жойларга ишга юборишдан ташқари, ўтган олти ой мобайнида 4 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилди. 2 маротаба коллеж битирувчилари учун алоҳида ярмаркалар ўтказилди. Уларда 100 дан зиёд корхона ва муассасалар, бизнес соҳиблари, фермер хўжаликлари 400 тадан кўпроқ иш ўринлари билан қатнашишди. Меҳнат ярмаркаларида 350 нафарга яқин коллеж битирувчилари, аёллар, иш излаб юрган фуқароларга ўзлари танлаган корхоналарда ишлашлари учун йўлланмалар берилди.

Иш фаолиятини кенгайтираётган, янгидан иш бошлаётган тадбиркорлар нафақат иқтисодиёт ривожланишига, фуқароларни ишга олиб меҳнат ва бандлик муаммосини ечиб боришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Туман прокуратураси тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ижросини таҳлил этиб боряпти. Уларнинг фаолиятларига ғайриқонуний аралашишларнинг олди олинмоқда. Шунингдек, "Ишонч телефони" орқали олинган мурожаатлар ўрганилиб, тадбиркорларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, "Асака бўрдоқичилик" хусусий корхонасига тегишли ер майдони олиб қўйилган. Корхона раҳбари М.Аҳматқуловнинг мурожаати кўриб чиқилиб, туман ҳокимининг қарорига нисбатан протест киритилди, 93 гектар ер майдони корхонага қайтарилди. Шунингдек, туман прокуратураси тўлов интизоми борасидаги қонунчилик ижросини таҳлил этиш жараёнида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш устида ишлаяпти. Иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўловидаги узилишларга чек қўйилмоқда. Ўтган ярим йилда пенсия ва нафақалар тўкис тўланиши таъминланди. Иш ҳақидан қарздорлик 35 фоизга камайишига эришилди.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этиб борилиши, жиноятга мойил шахслар билан олиб борилаётган профилактика ишлари ўз самарасини беряпти, туманда ўтган олти ойда жиноят содир этилиши сезиларли камайди, биронта ҳам қотиллик жинояти содир этилмади. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан йўллари — ўқишдан, оила юмушларидан бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан банд этиш борасидаги ишни кучайтириш чоралари кўрилди.

Туман аҳолисининг 40 фоизга яқинини ўқувчи ёшлар ташкил этади. Уларга 60 та умумтаълим мактаблари, 3 та ихтисослаштирилган, 2 та махсус мактаб-интернатларда, 12 та касб-ҳунар коллежларида, 1 та академик лицейда, 9 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим-тарбия берилмоқда. Сўнгги етти йил мобайнида 52 та умумтаълим мактаблари тўлиқ таъмирланди. Бу йил 3 млрд. 700 млн. сўм инвестиция маблағлари ҳисобига Тиббиёт бирлашмаси тизимида "Болалар поликлиникаси" мажмуаси қурила бошланди.

Президентимизнинг Фармони билан ташкил этилган болалар спортини ривожлантириш жамғармаси спортни оммалаштириш ишларини янги босқичга кўтарди. Жамғарма томонидан Асака туманида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. 22-умумтаълим мактаби таъмирланиб, спорт зали қурилди. 32 турдаги спорт анжомлари билан жиҳозланди. Ҳозир 80 нафардан зиёд ўқувчилар, шу жумладан, 30 нафар қизлар футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка тўгаракларида маҳорат сирларини эгаллашмоқда. 27-умумтаълим мактабида барпо этилган ана шундай спорт залида эса 90 нафар ўқувчилар устозлардан сабоқ олишяпти.

2009 йилда фойдаланишга топширилган Асака спорт коллежида 320 нафардан зиёд болалар таҳсил олишяпти, спортнинг 11 тури бўйича машғулотлар ўтказиляпти.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Спорт залига мусобақа қатнашчилари ўзларини ва томошабинларни кўра оладиган электрон табло ўрнатилган.

Туман умумтаълим мактабларида 150 нафардан зиёд жисмоний тарбия ўқитувчилари дарс ўтишяпти. Спортнинг 12 тури бўйича тўгаракларда 5 минг нафарга яқин вояга етмаганлар шуғулланишяпти. Спорт тўгаракларида маҳорат сирларини эгаллаётган ўқувчилар республика, халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашишяпти.

Туман прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган "Қалқон" спорт клубининг тўгараклари энг чекка қишлоқларда ҳам фаолият олиб боряпти. Уларда 350 нафарга яқин вояга етмаганлар бокс, ўзбек жанг санъати, таэквандо яккакураши сир-асрорларини эгаллашмоқда.

Туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан банд этиш, ҳуқуқбузарликка мойил ўсмирлар билан алоҳида иш юритиш, ҳуқуқ-тартибот органлари, МФЙлари ва таълим масканлари ўртасида яқин ҳамкорликда иш олиб бориш, ота-оналарнинг фарзандлари таълим-тарбияси борасидаги масъулиятларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муайян натижасини беряпти. Ўтган ярим йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик қарийб бешдан бир баробарга камайди. Барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришда муайян натижаларга эришилди. Бироқ олдимизда жуда катта ва муҳим вазифалар турибди. Ҳуқуқ-тартибот органлари Мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилишида ярим йиллик фаолият атрофлича таҳлил қилинди, асосий эътибор йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиб бориб, иш самарадорлигини оширишга қаратилди.

# Қудратли рағбатлантирувчи куч

**Баҳромжон АЛИМДЖАНОВ,**
Избоскан туман прокурори

Истиқлол Конституциясида белгилаб қўйилган, қонунларимизда мустаҳкамланган мулкдорлик ҳуқуқи фуқароларни ҳар бир ишда юқори натижаларга эришишга даъват этаётган қудратли рағбатлантирувчи кучга айланди. Буни ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритган деҳқонлар, фермерлар тобора кўпроқ фойда-даромад олишни кўзлаб, тинимсиз изланиб ишлаётганларида ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун, туман прокуратурасининг таклифи билан "Тиллабоев ташаббуси" фермер хўжалиги одатдаги деҳқончилик ишларидан ташқари селекция билан шуғуллана бошлади. Хўжаликда бир неча йилдан буён янги буғдой навини яратиш, синаш ишлари олиб борилиб, кўзланган натижаларга эришилмоқда. Янги навдан мунтазам равишда ҳар гектар ерда ўртача 70-80 центнердан кафолатланган ҳосил етиштирилиши амалда исботини топмоқда. "Келажак" деб номланган буғдой навининг ҳам



юқори ҳосилдорлиги, ҳам олий навли ун чиқиши тадқиқотчилар, селекционер олимларимиз томонидан эътироф этилди. Туман фермер хўжаликлари серҳосил, олий нав ун чиқадиган буғдой етиштириш тажрибасига қизиқиб қарашяпти. Келгусида айнан шу навни экишни мўлжаллаб, уруғликка буюртма беришяпти.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнида ташкил этилган фермер хўжаликлари эгалари икки тоифага ажралиб қолди. Истиқболни ўйлаб, ҳуқуқларини тасарруф этиш билан бирга мажбуриятларига сўзсиз риоя этиб ишлаётган асл деҳқонлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Ҳозирнинг ҳузурини устун қўйиб, мажбуриятларига хилоф равишда ғайриқонуний иш юритувчи "деҳқонлар" эса ўзгаларгагина эмас, аввало ўзларига зиён етказишяпти. Мунтазам равишда мажбуриятларини бажармасликлари оқибатида муайян ҳуқуқларидан, хусусан, ерга эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлишяпти.

Президентимизнинг қарорига асосан фермер хўжаликларининг ер майдонлари мақбуллаштирилиши жараёнида зарарга ишлаган, мажбуриятларига хилоф иш тутган фермер хўжаликлари тугатилди. Уларнинг ерлари, экин майдонлари иқтисодий бақувват қўшни хўжаликларга бириктирилди. Туман прокуратураси ушбу жараёнда ишчи-ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни қаратди. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида йириклаштирилган фермер хўжаликларининг раҳбарлари тугатилган хўжаликларда ишлаб келган ходимларни қайтадан ишга қабул қилишди.

Айни чоғда туманда 186 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Туман прокуратураси томонидан мунтазам равишда олиб борилаётган хўжаликларнинг муаммоларини қонуний ҳал этиш, пахта, буғдой етиштириш режалаштирилган майдонларга бошқа экинлар экишнинг олдини олиш, техника, ўғит, сув таъминотидаги узилишларнинг бартараф этиш каби ишлар ўз самарасини бермоқда. Қолаверса, кўпроқ даромад олишга интилишдай бекиёс рағбатлантирувчи куч туфайли сўнгги тўрт йил мобайнида ғалла ва пахта етиштириб топшириш борасидаги контрактация шартномалари ортиғи билан бажарилмоқда. Шунингдек, шартномаларда кўзда тутилган миқдорда пилла етиштирилиб топширилмоқда. Бу йил пилла етиштириш режаси 102 фоизга уддаланди. 257,1 тонна хомашё етказиб берилди. Туман деҳқонлари 20402 тонна ғалла топшириб, республикада биринчилардан бўлиб шартнома шартларини бажаришди. Қўшимча 2954 тонна дон етказиб бериб, режани 114,4 фоизга адо этишди. Эътиборга молик жиҳати, сўнгги икки йил мобайнида барча фермер хўжаликлари буғдой етиштириш борасидаги шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажариб келишмоқда.

Деҳқонлар, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Чунончи, "Пилла" давлат корхонаси раҳбари А.Абдурашидов ишчи-хизматчиларга иш ҳақини қонунчиликда тақиқланган натура шаклида тўлаган. 8,4 млн. сўмлик атлас матолари, 2,6 млн. сўмлик гуруч тарқатиб берган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Туман прокуратураси ҳамда иқтисодий бақувват фермер хўжаликларининг ташаббуси билан МТПларга қарашли, бир неча йилдан буён носоз ҳолатдаги ҳайдов тракторларини шартнома асосида хўжаликларга бириктириб берилгани натижасида 2010-2011 йилларда шудгорлаш тадбири белгиланган муддатларда тўкис ва сифатли бажарилишига эришилди. Худди шунингдек, ғўза қатор ораларига ишлов берувчи тракторлар шартнома асосида фермер хўжаликларига бириктирилгани натижасида чигит оптимал муддатларда сифатли экилди.

Фермер хўжаликлари лизинг асосида 3 та "Класс" русумли дон ўриш комбайнлари, 4 та "ТТЗ-80" русумли чопиқ тракторлари олишларига, ўз маблағларига 4 та ОВХ пуркагичларни харид қилишларига ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Избосканлик деҳқонлар бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилишяпти. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмагани каби айрим ғирромлик йўлига ўтган фермер хўжаликларининг раҳбарларига нисбатан қонуний чора кўрилмоқда. Хусусан, "Жаҳонилло саховати" фермер хўжалигининг раҳбари пахта етиштириш режалаштирилган 59,3 гектар майдоннинг 11 гектарига шоли экиб параваришлаган. Пахта етиштириш учун имтиёзли кредит ҳисобига ажратилган 2 млн. сўмликдан зиёд уруғлик, нефть маҳсулотларини ўзга мақсадларда сарфлаб, талон-торож қилган хўжалик раҳбари Х.Суяров жиноий жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратураси меҳнат ва бандлик, тўлов интизоми борасидаги қонунчилик ижросини ўрганиб бормоқда. Прокуратура ташаббуси билан ўтказилган ярмаркаларда 211 нафар фуқаро ишга йўлланма олди. Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 21 нафар фуқаро рўйхатдан ўтказилиши таъминланди. Жойларда ўтказилган тадбирлар натижасида 4 та кичик корхона ташкил этилиб, уларда 24 нафар фуқаро ишлай бошлашди. Яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли туманда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг сони 6 тага етди.

Иш ҳақи, пенсия тўловларига нақд пул етишмаслиги муаммосини ҳал этиш йўлларидан бири — маошларнинг 50 фоизи пластик карточкаларга ўтказилаётганида фуқароларнинг, пенсионерларнинг таклиф-истаклари инобатга олинди. Прокуратура ташаббуси билан барча 62 та МФЙларида 72 хил товарлар, маҳсулотлар билан пластик карточкаларга савдо қилувчи дўконлар фаолияти йўлга қўйилди. Товарлар билан узлуксиз таъминлаш жойлардаги жамоатчи назоратчилар томонидан доимий назоратга олинди. Электр энергияси узилган ҳолатларда терминал орқали савдо тўхтаб қолмаслиги учун ҳар битта дўкон бензинда ишлайдиган, электр етказиб берувчи моторчалар билан таъминланди. Биринчи даражали тўловларга нақд пул етишмаслиги муаммоси шу тариқа ҳал этилмоқда.

Туманимиздаги 200 минг нафардан зиёд аҳолининг аксарияти ўқувчи ёшлар. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фаол иш юритилмоқда. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида барча коллежларда аноним тарзда психологик тестлар-сўровномалар ўтказилди. Ўсмирларнинг орзу-интилишлари, кечинмалари, муаммолари, оилаларидаги, ўқиш жойларидаги муҳит хусусида аниқ-равшан тасаввур ҳосил қилиш имконини берган жавоблари асосида тарбияси оғир вояга етмаганларга психолог ва педагоглар бириктириб қўйилди. Ўтган ярим йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик қарийб 30 фоизга камайишига эришилди.

Барча соҳалардаги амалий ишлар, тарғибот тадбирлари воситасида тараққиётни таъминловчи омиллардан бири — фуқароларда қонунларга ҳурмат ва итоат кўникмаси илдиз отмоқда.

# Қонуний чоралар кўрилди



*Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майдаги "2011 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларни шудгорлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1541-сонли Қарори ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.*

**Улуғбек АХУНОВ,**
Бош прокуратура бўлим
катта прокурори

Назорат тадбирлари давомида ушбу қарор ижросига масъул бўлган ҳокимликлар, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзагромашсервис" уюшмаси, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" ва "Ўзнефтмаҳсулот" давлат акциядорлик компаниялари корхоналарининг айрим мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатлари оқибатида шудгорлашни ташкиллаштиришда сусткашликка йўл қўйилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Жойларда мазкур қарор талаблари ижросига тегишли мутасадди мансабдор шахслар томонидан етарли эътибор қаратилмаганлиги оқибатида Қашқадарё ва Навоийдан ташқари бошқа вилоятларда ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида шудгорлаш муддатида амалга оширилмади.

Қарор талабларини бажаришда сусткашликка йўл қўйганлиги учун Сурхондарё вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Ангор, Жарқўрғон, Узун, Шеробод, Қизириқ, Қумқўрғон ва Оҳангарон туман ҳокимлари прокурорларнинг қарорларига асосан интизомий жазога тортилди. Шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги, "Ергеодезкадастр", "Давтехназорат" идоралари, машина-трактор парклари, нефть таъминоти корхоналари ва тижорат банкларининг 526 нафар раҳбар ходимларининг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар мансабдор шахслари томонидан 1 млрд. 45 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар заҳираси яратилмай, республика бўйича 323 дона ҳайдов тракторлари носоз ҳолда шудгорга жалб этилган ҳамда 20 млн. сўмлик техника ва эҳтиёт қисмлар талон-торож қилинган. Хусусан, Сирдарё вилоятида 75 та, Сурхондарёда 65 та, Наманганда 47 та, Самарқандда 32 та, Бухорода 27 та, Навоийда 24 та ва Фарғонада 23 та носоз ҳайдов тракторларидан шудгорлаш ишларида фойдаланилган. Масалан, Ангор туманида ҳайдов тракторларини таъмирлаш ва мавсумга жалб этишга масъулиятсизлик билан ёндашилганлиги, шудгорлашни ташкиллаштиришда сусткашликка йўл қўйилганлиги учун ушбу туман ҳокими Б.Хурсанов интизомий жазога тортилди.

Назорат тадбирларида машина-трактор паркларидаги ўзаро ҳисоб-китоб ва молия интизоми сусайтириб юборилганлиги ҳамда мавжуд мол-мулкларга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлинганлиги, уларнинг сақланиши талаб даражасида таъминланмаганлиги аниқланди. Жумладан, "Қумқўрғон МТП" АЖ раиси Э.Шердонақулов ва бошқалар ҳайдов техникаларига эҳтиёт қисмлар заҳираси яратиш учун ажратилган 18,3 млн. сўмни талон-торож қилганликлари оқибатида, шудгорлаш ишлари муддатида якунланмаган.

Шунингдек, "Пахтакор МТП" АЖ механиги Б.Ҳайитбоев юқори унумли ҳайдов тракторининг 2 млн. сўмлик эҳтиёт қисмларини талон-торож қилган. Ёки "Кармана МТП" АЖ мансабдор шахслари "Магнум" русумли юқори унумли ҳайдов тракторини қаровсиз қолдирганликлари оқибатида, ёниб кетишига ва яроқсиз аҳволга келишига сабабчи бўлганлар. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган қарорида "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси корхоналарига белгиланган тартибда ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш вазифаси юклатилган бўлса-да, қарор талаблари етарли даражада бажарилмасдан Сурхондарё, Самарқанд, Наманган ва Тошкент вилоятларида 1 231 тонна нефть маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган. Шунингдек, шудгор учун ажратилган 1,5 тонна нефть маҳсулотларининг талон-торож қилинишига йўл қўйилган. Масалан, Сардоба туманидаги "Гулистон нефтбаза" унитар корхонасига қарашли 43-сонли фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчаси мудири Ш.Шералиев шудгорлаш тадбири учун ажратилган 1,2 млн. сўмлик ёнилғи-мойлаш маҳсулотини талон-торож қилганлиги ҳолати юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Текширишларда 1 136 гектар майдон сифатсиз шудгорланганлиги аниқланиб, ушбу майдонларнинг агротехника қоидаларига риоя этган ҳолда қайта шудгор қилиниши таъминланди. Жумладан, Наманган вилоятида 501 гектар, Сирдарёда 225, Қашқадарёда 129, Фарғонада 88, Тошкентда 41, Самарқандда 32, Сурхондарёда 24, Андижонда 14, Жиззахда 13, Бухорода 9, Хоразмда 7 ва Қорақалпоғистонда 20 гектар ерда шудгор сифатсиз ўтказилган. Шунингдек, назорат тадбирларида 2 020 гектар ер майдони сомондан тозаланмаганлиги ва шудгорланмаганлиги аниқланиб, ушбу ер майдонларининг сомондан тозаланган ҳолда шудгор қилиниши таъминланди.

Бундан ташқари, Наманган вилоятида 60, Тошкентда 45, Андижонда 8, Самарқандда 5, Сурхондарё ва Хоразмда 4 гектардан, жами 126 гектар майдонда сомонни ёқиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, бунга йўл қўйган шахслардан табиатга етказилган 9,7 млн. сўм зарар ундирилди. Хусусан, Избоскан туманидаги "Миробид Орзуси" фермер хўжалиги раҳбари Д.Солиев 4 гектар ғалладан бўшаган майдонни сомондан тозаламасдан ёқиб юборганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шудгорланган майдонлар ҳисобини юритишга масъул шахслар томонидан шудгорланган майдонлар тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, шудгор қилинмаган майдонларни ҳисоботларга қўшиб ёзиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилди. Масалан, Тошкент вилоятида 11 031, Наманганда 7 284, Самарқандда 2 313, Навоийда 671, Бухорода 534, Андижонда 455 ва Фарғонада 102 гектар, жами 22,4 минг гектардан ортиқ шудгор қилинмаган майдон ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги аниқланиб, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, Жомбой туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи И.Турсунов шудгор қилинмаган 1 979 гектар майдон шудгор қилинганлиги ҳақида тезкор маълумотларга қўшиб ёзганлиги учун интизомий жазога тортилди.

Текширишларда, фермер хўжаликлари томонидан шудгорланган майдонларга такрорий экинлар ноқонуний экилганлиги аниқланиб, қайта шудгор қилиниши таъминланди.

Такрорий экин экилган майдонлар Сирдарё вилоятида 510, Фарғонада 455, Наманганда 375, Навоийда 24 жами 1 365 гектардан ортиқни ташкил қилди. Жумладан, Қўштепа туманидаги "Уч уй Муҳаммадали Юсупов" фермер хўжалиги раҳбари М.Юсупов 10 гектар шудгорланган майдонга шоли экиб юборганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шудгор ишларига жалб этилганларга ижтимоий-маиший шароит яратилиши ва уларга иш ҳақи тўланишига ҳам совуққонлик билан қаралиб, қарор талаблари бажарилмасдан, қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Биргина иш ҳақи учун ажратилган маблағларнинг 190 млн. сўми ишчи ва механизаторларга тўлаб берилмаганлиги аниқланиб, айбдор шахслардан тўлиқ ундирилиши таъминланди. Хусусан, Сурхондарё вилоятида 160 млн., Наманганда 22 млн. ва Фарғонада 4,5 млн. сўмлик иш ҳақлари бунга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг айби билан ўз вақтида тўлаб берилмаган. Масалан, Термиз туманидаги "Турон Янгиариқ ММТП" раиси Х.Алланазаров шудгорлаш мавсумига жалб қилинган 8 нафар механизаторга 275 минг сўмдан иш ҳақини тўлаш чораларини кўрмаганлиги учун маъмурий жазога тортилиб, иш ҳақини ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритилди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 262 та тақдимнома киритилди, 4 309 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди, 1 412 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 15,8 млн. сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди, 9,6 млн. сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга аризалар киритилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди.

**Қилмиш-қидирмиш**

# Кўза кунда эмас, кунида синади

***Бирор-бир жиноят ишини (айниқса ўғирлик) таҳлил этиш баробарида уни содир этган шахснинг таржимаи ҳоли билан қизиқсангиз, аксарият ҳолатларда бундайлар носоғлом муҳитда вояга етган, бирор жойда ўқишни ҳам ёлчитмай, кўча безорилар тоифасидан бўлиб чиқадилар. Шунинг учун ҳам гоҳида олий маълумотли, тайинли ишнинг бошини тутган, ҳам оиласи, ҳам ишхонасида ўзига яраша обрўга эга инсонлар суднинг қора курсисидан ўрин олсалар, бундай ҳолга ҳайрон бўлишдан кўра, уларга кўпроқ ачинади, киши.***

**Ҳамиджон МАҲМУДОВ,**
Тошкент шаҳар транспорт
прокуратураси терговчиси

Ёдгорни таниган, билганлар уни ҳурмат билан тилга олардилар. Олий маълумотли, "Ўзбекистон" локоматив депосининг 11-сонли цехи катта устаси бўлган бу йигитнинг судланганлиги ҳақидаги хабар одамларга гўё чиллада тўсатдан ёққан ёмғирдек таъсир қилди. Англашилмовчилик бўлгандир деб ўйлаганлар ҳам кўп бўлди. Афсуски, улар ҳам янглишган эдилар.

Буни қарангки, цех катта устаси 2006 йилдан 2010 йилгача ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган давлат мулкини бемалол ўзлаштиришнинг ҳадисини олган экан. Айтмоқчи, четдан қараганда у худди устадек ҳаракат қилган. Яъни, электродвигателларнинг ён қисмини калит билан очиб, ичидан мис симларни қирқиб олаверган. Натижада эса, 42 дона АЭ 92/4 русумли, 16 дона 81,6 русумли ҳамда 12 дона НБ 453-А русумли локоматив электродвигателларининг ичидан жами 1116 кг. мис симлар ўғирланиб, кейинчалик бозорда ҳар бир метри 200-300 сўмдан сотиб юборилган. Охир-оқибат "Ўзбекистон" локоматив депосига 3 млн. 59 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилади.

Шундай қилиб, катта устанинг қилмиши ошкор бўлди. У жиноят устида қўлга олинди ва жиноят иши қўзғатилиб, иш судга оширилди.

Жамиятимизда доимо инсонпарварлик, кечиримлилик принципларига амал қилинади. Ёдгор Ҳасановнинг ишини



кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди ҳам жиноятнинг хусусиятини, хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, шунингдек, судланувчи унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этгани, чин кўнгилдан пушаймон бўлгани ҳамда етказилган моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлигини ҳам эътиборга олиб, Ё.Ҳасановга ойлик иш ҳақидан 15 фоиз давлат фойдасига ушлаган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Шунингдек, у бир йил муддатга корхона, муассаса ва ташкилотларда моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ҳа, Ё.Ҳасанов кўза кунда эмас, кунида синишини эсидан чиқариб қўйган экан. Начора, қилмиш-қидирмиш, энди у бу нақлнинг нақадар ҳақиқат эканлигини бир умр ёдидан чиқармаса керак.

# Бола ҳуқуқларини кафолатлаш — давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаси

***Фарзандли бўлиш, уни соғлом тарзда ўстириб, ҳар томонлама комил инсон сифатида тарбиялаш ва вояга етказиш инсонларга берилган олий неъматлардан биридир. Дарҳақиқат, ҳар қандай миллатнинг бардавомлигини таъминловчи омил бу унинг фарзандлари ҳисобланади.***



**Шухрат ЎРИНОВ,**
Музработ туман прокурори

Инсоният тарих зарварақларини изчиллик билан босиб ўтиб борар экан, ўзининг келажаги бўлмиш болаларининг соғлом ўсиши, уларни ҳимоя қилиш ва нуқсонсиз тарбиялаш ҳамда камол топтиришга интилади.

Шу боис, жаҳондаги бир неча нуфузли халқаро ташкилотлар болалар ҳуқуқларини руёбга чиқариш ва уларга нисбатан содир этилаётган адолатсизликларга барҳам бериш юзасидан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти БМТ учун алоҳида аҳамиятли бўлган уч томонлама тузилмага эга бўлиб, унинг доирасида иш берувчилар билан меҳнаткашлар вакиллари иқтисодиётда "ижтимоий ҳамкорлик" чора-тадбирлари ва дастурларини ишлаб чиқишда давлат вакиллари билан тенг овозга эгадирлар. ХМТ ўзига аъзо давлатларда бундай уч томонлама тузилмани касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги "ижтимоий мулоқот" — миллий сиёсатни ишлаб чиқишда ва зарурият бўлганда, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа кўплаб масалалар бўйича амал қилишда кўмаклашиш орқали қўллаб-қувватлайди.

ХМТнинг конвенция ва тавсиялари ўз мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга таснифланади:

— инсоннинг меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги актлар;

— иш билан таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги актлар;

— меҳнат шароитларини тартибга солувчи актлар;

— техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича актлар;

— алоҳида категорияли меҳнаткашларни юқори даражада ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисидаги актлар.

ХМТнинг "Энг кичик ёш тўғрисида"ги 1973 йилги 138-конвенцияси бола меҳнатига барҳам бериш принципини акс эттирган бўлиб, болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги янги 182-конвенцияси билан мустаҳкамланади. Ўз навбатида 182-конвенция, тезкорлик билан бола меҳнатининг барча аянчли шаклларини — қуллик ва мажбурий меҳнатдан тортиб, болаларни ноқонуний фаолият турларида фойдаланишигача, яъни уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолият турлари билан шуғулланишларига барҳам бериш бўйича шошилинч чоралар кўришга чақиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ХМТнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва ўз навбатида бу фаолият дунёдаги ҳозирги вазиятни акс эттириши ҳамда аъзо давлатлар билан тўртта стратегик масалалар (асосий принциплар ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ масалалари, бандлик, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий мулоқот ҳамда шулар билан боғлиқ бошқа масалалар) доирасида ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдиради. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция бўлди. 1992 йилда Конвенцияга қўшилгач, Ўзбекистон бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, Конвенция қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитасига мунтазам равишда Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан даврий ҳисоботларни тақдим этади.

Миллий маърузаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитаси якуний кузатишларни ишлаб чиққан бўлиб, унда давлат томонидан эътибор қаратилишини талаб этувчи соҳалар кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган. 2001 йилда Ўзбекистон ҳукумати "БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режаси"ни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Мазкур ҳаракат режаси бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликнинг қайта кўриб чиқилишини назарда тутади.

Шу муносабат билан 2007 йил 1 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланиб, 2008 йил 8 январдан кучга кирди.

Қонуннинг асосий мақсади бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Мазкур қонуннинг ўзига хос хусусияти шундаки, у "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамлаган тарзда мужассам этади ҳамда мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш керакки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасида халқаро-ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича етарли даражада катта ишлар олиб борилди. Амалдаги қонунчиликда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчилик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга кўра, бола дунёга келиши билан инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади ҳамда бу давлат томонидан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига мувофиқ, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда бола ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича қуйидаги имкониятларни яратади:

*биринчидан,* миллий қонунчиликни бола ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан мувофиқ ҳолга келтириб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига мослигини таъминлайди;

*иккинчидан,* бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини аниқлаштириб, ишлаб чиқиш, тегишли дастурлар тузиш, шунингдек, давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини баҳолаш учун ҳуқуқий асос ("Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция ва бошқа халқаро-ҳуқуқий меъёрлар қоидалари билан биргаликда) яратди;

*учинчидан,* давлат ва нодавлат органларининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини, ваколатларини ва ўзаро фаолиятини аниқлаштирди;

*тўртинчидан,* бола ҳуқуқлари ҳимояси механизмини амалий натижа беришини таъминлайди;

*бешинчидан,* бола ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг келгусидаги ривожи учун асос яратади.

Жамиятнинг асосий негизи ҳисобланмиш оила ва табиий муҳит унинг барча аъзолари, айниқса, болаларнинг ўсиб-улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун жамият доирасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш мақсадида зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши керак. Боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камол топиши учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши лозим.

## Ишонч телефонлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида бошқарма ва туман бўлимларида мавжуд ишонч телефонлари ҳақида маълумот берилмоқда.

| № | Бошқарма ва туман бўлимлари | Ишонч телефонлари |
|---|---|---|
| 1 | Бошқарма навбатчилик қисми | 241-92-05 |
| 2 | Бектемир туман бўлими | 295-18-90 |
| 3 | Мирзо Улуғбек туман бўлими | 237-44-81 |
| 4 | Миробод туман бўлими | 215-67-07 |
| 5 | Олмазор туман бўлими | 228-01-00 |
| 6 | Сирғали туман бўлими | 258-75-71 |
| 7 | Учтепа туман бўлими | 271-45-18 |
| 8 | Чилонзор туман бўлими | 271-12-56 |
| 9 | Шайхонтоҳур туман бўлими | 249-61-14 |
| 10 | Юнусобод туман бўлими | 747-13-31 |
| 11 | Яккасарой туман бўлими | 250-13-66 |
| 12 | Ҳамза туман бўлими | 289-59-88 |

## Тадбиркор — жамият таянчи

*/Давоми. Бошланиши 3-бетда/*

Бу ҳам етмагандек, амалдаги қонунларда жарима қарор қабул қилинган кундан кейин ундирилиши кўрсатилган бўлса-да, корхона раҳбари Л.Мамадалиев ва бош ҳисобчи Х.Мамадалиевдан асоссиз равишда тўрт кун аввал жарима ундириб олинган. Қолаверса, қарор қабул қилинган санада корхона раҳбарларини маъмурий жавобгарликка тортиш муддатлари ҳам ўтиб кетганди.

Текшириш якунига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари ва унга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи номига тақдимнома киритилиб, жавобгар шахслар маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилдилар. Шунингдек, 4 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатиш тўғрисидаги қонунга зид қарорга нисбатан протест киритилди.

Наманган шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, шаҳар статистика бўлими, шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасида ўтказилган текширишларда 9 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид қарорлар қабул қилинганлиги аниқланиб, мазкур қарорларга нисбатан протестлар киритилди. Соҳа вакиллари мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқмаган 3 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, шаҳар прокуратураси томонидан асосий эътиборни тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган ҳолда назорат органларининг фаолияти, улар томонидан қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкцияларнинг қонунийлиги белгиланган муддатларда мунтазам равишда назорат тартибида ўрганиб келинмоқда. Прокуратура органларида "007" рақамли ишонч телефонининг мунтазам ишлаб келаётгани натижасида тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Масалан, "Султон Карвон" хусусий фирмаси раҳбари Б.Мамасиддиқов "Ишонч телефони"га мурожаат қилиб, "Алоқа банк" Наманган филиалидан кредит олишда амалий ёрдам сўраган.

Мазкур мурожаат ўрганиб чиқилгач, 2011 йил 26 май куни "Султон Карвон" хусусий фирмаси кредит олиш учун гаров ҳужжатларини нотариал тартибда расмийлаштириш ишлари якунланиб, мижозга кредит маблағи ажратилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Ушбу соҳанинг ривожи аҳоли турмушининг янада фаровон бўлишини таъминлайди. Шу боис, мазкур тармоқни қўллаб-қувватлаш доимий эътибордаги масала бўлиб қолаверади.

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

# Тақдирин қўл билан яратур инсон...



*Ҳар бир халқнинг орзу-истаги, мақсади ва интилишлари адолат қарор топган, эркин ва мустақил юрт тупроғида яшаб меҳнат қилиш, шу Ватаннинг беғубор ҳавосидан нафас олишдир.*

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Huquq»

Бир юз ўттиз йил мобайнида рус империяси ва Совет Иттифоқининг истибдоди остида эзилган халқимиз учун мустақиллик жон қадар азиз эди. Чунки Совет Иттифоқи — рус империясининг бевосита вориси, оқ тўнини қизил тўнга алмаштириб олган мустамлакачи давлат эди. Ёлғиз бугина эмас. Коммунистик тузум мустамлакачиликни шундай юксакликка кўтардики, дунё дунё бўлиб бунақасини ҳали кўрмаган эди.

Бунинг учун мустамлака Ҳиндистон билан мустамлака Туркистонни қиёслаб кўришнинг ўзи кифоя. Инглиз мустамлакачилари Ҳиндистоннинг моддий бойликларини талашди, аммо унинг тарихи, маданияти, тили, дину диёнатига дахл қилишмади. Рус мустамлакачилари эса Туркистоннинг моддий бойликларини талаш билан чекланиб қолишмади. Улар тарихимизни топташди, маданиятимизни камситишди, тилимизни инкор этишди, дину диёнатимиз устига қора чизиқ тортишди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, мустамлакачилар табиий бир халқ, табиий бир миллат сифатида яшашимизга имкон бермай, бизни мутеликка маҳкум этишди. Чунончи, миллий ишчилар синфининг шаклланишига йўл қўйишмади. Миллий қўшин ва зобитлар табақасининг шаклланишига тўсқинлик қилишди. Натижада бир ҳовуч зиёлилару бечораҳол деҳқонлардан иборат мазлум бир халққа айландик қолдик...

* * *

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида ғарб мутахассислари амалдаги иқтисодий сиёсат ўзгармаса, Совет Иттифоқи 1994 йилга бориб тамом чўкади, чуқур таназзулга учрайди, дея башорат қилишган эди. Кўриб турибсизки, Совет Иттифоқи 1994 йилга ҳам етиб боролмади, чўкди, тарқалди. Тарихдан маълумки, қул меҳнатининг маҳсули паст, озод инсон меҳнатининг самараси баланддир. Чунки қул ўз меҳнатидан етарлича манфаатдор бўлмайди, озод инсон эса ўз меҳнатидан тўла манфаатдор. Совет Иттифоқидаги меҳнат шу маънода қуллик меҳнати эди. Чунончи, деҳқон олти минг тонна пахта берадими ёки олти миллион тоннами, барибир косаси оқармас, бири икки бўлмасди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шароитда инсон астойдил ишламайди. Ишлаб ривожланган мамлакатлардаги фермерлар билан беллаша олмайди. Натижада ери қариб дунёнинг олтидан бир қисмини ташкил этган, экин майдонлари океандан океанга қадар чўзилган Совет Иттифоқи ночор аҳволга тушиб қолганди.

* * *

Совет Иттифоқи таназзулга юз тутгач, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг жасорати туфайли Ўзбекистон иттифоқдош республикалар орасида биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди. 1991 йил 31 август куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Баёноти Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаштириб берди. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, ана шу қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида бундан кейин Ўзбекистон ССРни Ўзбекистон Республикаси деб аташ, 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиш, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тайёрлашга келишиб олинди. Шунингдек, иттифоқ ва унинг таркибига кирадиган барча давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатни тан олишга даъват этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ҳуқуқий пойдевори эди.

* * *

Туркий халқларда давлатчилик асослари жуда қадим даврларга бориб тақалади. Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Биз ким, ўзбеклар!" китобида туркий халқларнинг ўн саккизта давлат қурганги ҳақида тўхталиб ўтилган. Улардан бири — Европада барпо этилган Хунлар давлати, иккитаси — Туркия тупроғида қурилган салжуқлар ва усмонлилар салтанати, яна иккитаси — Хазар бўйида бунёд этилган аварлар ва хазарлар давлати, қолган ўн учтаси ўзимизнинг Туркистонда тикланган давлатлардир... Салтанатлар тарихи айни пайтда сулолалар тарихи ҳамдир. Шунинг учун ҳам ўтмишда давлатларнинг номлари уларга асос солган сулолабошининг исми ёки унинг унвони билан аталган. Масалан, Ғазнавийлар, Темурийлар, Шайбонийлар давлати ва ҳоказо. Бундан кўринадики, тарих халқнинг таржимаи ҳолидир. Демоқчиманки, давлатчилик тажрибаси, давлатдорлик туйғуси бизга бегона эмас. Бу туйғу руҳимизда кезиб, қонимизда яшаб турибди.

* * *

Тақдирин қўл билан яратур инсон,
Ғойибдан келажак бахт бир — афсона.

Буюк шоиримиз Ғафур Ғуломнинг буюк сатрлари. Илоҳий илҳом маҳсули бўлган ушбу сатрлар битилганда ҳали биз ўз тақдиримизни яратиш имкониятига эга эмас эдик. Чунки сиёсий озод инсонгина ўз тақдирини яратиш имкониятига, фикри озод киши эса ўз тақдирини яратиш қудратига эга бўлади. Миллий давлатидан айрилган, дину диёнати, тили топталган халқ эса азалий миллий туйғусини йўқотади, тирикчилик кўйига тушган ожиз оломонга айланади. Шу туфайли ҳам қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов бир пайтлар "Қачон халқ бўласан, эй сен оломон?" деб хитоб этган эди. Бугун ана шу саволга жавоб бериш мавриди келди. Миллий давлатга эга бўлиш деган сўз табиий равишда ўз ери, ўз дину диёнати, ўз тилига соҳиби ихтиёр бўлиш деган маъноларни ҳам ўз ичига олади. Биз демократик тамойилларга асосланган миллий мустақил давлат қуришдек буюк ва муқаддас жараённи бошдан кечираяпмиз.

Юртбошимиз истиқлол ҳақида, унинг ҳар қайси халқ ва миллат ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида гапирар экан, мустақиллик — аввало, ҳуқуқдир, деган қарашни илгари суради. Дарҳақиқат, халқимиз XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўз тақдирини ўзи белгилаш, мамлакатнинг ерости ва ерусти бойликларига эгалик қилиш, тарихий ва миллий қадриятларимизни ҳаётга қайтариш, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаш ҳуқуқини қўлга киритди. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек миллий тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди.

Бугун нафақат пойтахтимиз Тошкентда ёки бошқа йирик шаҳарларимизда, балки мамлакатимизнинг олис ва чекка туманларида қурилаётган ёки қурилиб фойдаланишга топширилган бири-бирини такрорламайдиган, бири-биридан чиройли ва муҳташам, ўзида замонавий дунё қурилиш коммуникацияларининг энг сўнгги андозаларини мужассам этган бино ва иншоотларга боқиб, равон йўлларни, тоғлар орасидан ўтказилган темир йўл ва кўприкларни кўриб ҳайратга тушасан, киши. Юртдошларимиз барпо этаётган, ҳукуматимиз томонидан қуриб берилаётган гўзал ва салобатли, эртаклардаги қасрларни эслатадиган уй-жойларни кўриб кўз қувонади, шундай кошоналарни қурган одамларга ҳавасинг келади. Чунки шаҳарларимиз, маҳаллалар ва ҳар бир хонадон обод бўлса юрт қиёфаси ўзгаради, чирой очади. Қолаверса, шунинг ўзи ҳам мулкка эга бўлиш, унинг дахлсизлиги борасидаги истиқлол бахш этган, Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқларимизнинг амалда намоён бўлиши эмасми?

Истиқлол туфайли иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Бунинг асосида мулкчилик шаклини ўзгартириш, иқтисодиётга бозор муносабатларини узил-кесил жорий этиш, ердан оқилона фойдаланиш, фермерлар, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг том маънода эркин фаолият юритишига эришиш каби вазифалар туради. Бу йил республикамиз фермерлари давлатга 6 миллион 800 минг тонна сара дон сотиб, йиллик шартнома режасини ортиғи билан бажаргани қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг ижобий натижаси эмасми?

Жорий йилнинг Президентимиз ташаббуси билан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши ҳамда бу соҳа вакилларига яратилаётган шароит ва имкониятлар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Биз бунёдкор халқмиз. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур бундан етти аср муқаддам айтган гапни бугун биз — ул зотнинг авлодлари ҳам баралла такрорлашга ҳақлимиз. Кимки қудратимизга шубҳа қилса, қураётган иморатларимиз, барпо этаётган йўл, темир йўл ва кўприкларимизни келиб кўрсин! Бу фахр-ифтихор замирида Юртбошимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!" деган гапи мужассам эмасми?

* * *

Истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқлар ҳам, амалга оширишни ният қилиб турган хайрли ишлар кўлами ҳам беҳад кенг, аҳамияти жуда катта, моҳияти эса ниҳоятда теран. Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган мустаҳкам тинчлик ва осойишталикнинг самарасидир. Биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталик учун шукроналар айтмоғимиз даркор. Чунки шу таҳликали замонда бунга эришишнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Президентимиз Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Дунё харитасида Ўзбекистон деган мустақил давлат пайдо бўлганига йигирма йил тўлаяпти. Албатта, бу оқсоч тарих учун йилт этган чақмоқ мисол оний фурсат. Аммо дўппини ёнга олиб қўйиб, чуқур мулоҳаза юритсак, мана шу қисқа давр ичида давлатимиз асрларга татигулик ютуқларга эришди, деб баралла айтишга ҳақлимиз. Албатта, ўзини шу азиз Ватаннинг, шу муқаддас юртнинг чин фарзандиман, деб билган ҳар бир инсон бу каби улкан муваффақиятларни кўриб дилдан қувонади. Қайсидир соҳадаги фидойи меҳнати билан Ватан равнақига ҳисса қўшмоқ илинжида умргузаронлик қилади. Шукурки, яратиш, яшнатиш иштиёқи билан яшаётган юртдошларимиз бисёр.

* * *

Биз Ватан, деб эъзозлайдиган мана шу муқаддас замин ўтган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг сўнгги оромгоҳи, кечмишимиз тилсиз гувоҳидир. У бизнинг қисматимиз, саждагоҳимиз. Шунинг учун ҳам уни она-Ватан деймиз. Ватаннинг тоғу тошларини, қир-адирларини, Аму ва Сирдек муаззам дарёлари-ю мовий осмонини севмаслик, уларни доимо улуғвор ҳолда кўришни истамаслик мумкинми?

Биз мустақиллик ҳақида, уни асраб-авайлаш хусусида гапирганда ҳар доим армияни тилга оламиз... Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва ҳушёрлигини ошириш борасида тўхталамиз. Нега? Чунки Президентимизнинг гапларини такрор бўлса ҳам келтириб ўтсак мустақиллик, бу — энг аввало, ҳуқуқдир. Яъни, ота-боболаримизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзимиз истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир. Шундай экан, бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун Ватанимизни кўз қорачиғидай асраш, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлашга қодир Қуролли Кучларга эга бўлишимиз лозим. Шу мақсадда бугун миллий армиямизда ислоҳотлар қизғин давом эттирилиб, профессионал армия барпо этилмоқда. Профессионал армияда эса профессионал ҳарбийлар хизмат қилишади. Буни оддий сўзлар билан таърифлайдиган бўлсак, иқтидорли, ҳарбий соҳанинг устаси, мард, матонатли ва фидойи йигитлар эгнига ҳарбий либос киядилар. Шундай Қуролли Кучларни шакллантиришга эса улгурдик.

Дунё чайқалиб турибди, курраи заминимизда нотинчлик, табиий офатлар, даҳшатли террор ва унинг фожиали оқибатлари минг-минглаб инсонлар ҳаётига хавф солмоқда. Шундай экан, мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш нафақат ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, балки маҳаллий ҳокимият, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолиятининг, қолаверса, ҳар биримизнинг ишимиздир. Ҳеч қачон огоҳлик ва ҳушёрликни унутмаслигимиз даркор. Шунда боболаримиз руҳи шод, мамлакатимиз обод бўлади, тақдирини ўз қўли билан яратаётган халқимиз фаровон ҳаёт кечиради.

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ҳудудий вилоят филиаллари бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ДМҚ Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 05.08.2011 йилдаги 30-ОН-сонли буйруғига асосан:

1. Сирдарё тумани С.Раҳимов маҳалласи, "Сирдарёмахсуссувдренаж" ҳудудидан топширилган ер майдонлари ҳисобидан аҳолига якка тартибда уй-жой қурилиши учун ҳар бирининг сатҳи 0,06 га. бўлган 12 та (ўн икки) ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 133 980 сўм.

2. Сирдарё тумани У.Юсупов ҚФЙ ҳудудидан топширилган ер майдони ҳисобидан аҳолига якка тартибда уй-жой қурилиши учун ҳар бирининг сатҳи 0,06 га. бўлган 1 та (битта) ер майдони қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 133 980 сўм.

3. Сирдарё тумани Малик ҚФЙ Ҳамза маҳалласи ҳудудидан аҳолига якка тартибда уй-жой қурилиши учун ҳар бирининг сатҳи 0,06 га. бўлган 2 та (икки) 601-контурдан 41, 42-сонли ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 133 980 сўм.

4. Сирдарё тумани Малик ҚФЙ Оқ йўл маҳалласи ҳудудидан аҳолига якка тартибда уй-жой қурилиши учун ҳар бирининг сатҳи 0,06 га. бўлган 4 та (тўрт) 456-контурдан 25, 31, 32, 33-сонли ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 133 980 сўм.

5. Ширин шаҳри А.Набиев маҳалласи, 2-мактабнинг жанубидаги бўш ердан аҳолига якка тартибда уй-жой қурилиши учун ҳар бирининг сатҳи 0,06 га. бўлган 3 та (уч) ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 164 520 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 13 сентябрь куни соат 11:00 да Гулистон шаҳри "Бизнес-Марказ" биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар (ариза) шанба ва якшанба (байрамлар)дан ташқари ҳар куни 18:00 га қадар қабул қилинади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё минтақавий филиали ДАТ (ОАЖ) "Асака" банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/Р: 20 208 000 904 920 609 006, МФО 00373, ИНН: 207122519. Манзил: Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биноси, 3-қават, 58-хона. Тел: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

*Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 1 августдаги 85 к-ПО-сонли буйруғига асосан, қуйидаги жадвалда кўрсатилган давлат активлари очиқ танлов савдосига қўйилмоқда:*

| № | Мулкнинг қисқа тавсифи | Жойлашган манзили | Майдони (кв.м) | Балансда ушлаб турувчи | Сотилиши лозим бўлган Давлат активи (%) | Бошлангич баҳоси (Аввалги савдо вақтида шаклланган нархи) | Инвестиция мажбуриятининг энг кам миқдори | Инвестиция киритиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | 5 қаватли т/ж нинг 1-қаватидаги қисми | Миробод тумани, Мунис кўчаси, 9-уй | 91 | Тошкент шаҳар ҳокимияти Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси | 100,0 | 36 400 000,0 | 11 000 000,0 | 1 йил |
| 2 | 5 қаватли т/ж нинг 1-қаватидаги қисми | Миробод тумани, Мунис кўчаси, 9-уй | 91 | Тошкент шаҳар ҳокимияти Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси | 100,0 | 36 400 000,0 | 11 000 000,0 | 1 йил |
| 3 | 9 қаватли т/ж нинг 1-қаватидаги қисми | Сергели тумани, мавзе Қўйлиқ 5, 28-уй | 70 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 28 000 000,0 | 8 500 000,0 | 1 йил |
| 4 | 2 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Сергели тумани, мавзе Спутник 5, 16-уй | 76,8 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 30 720 000,0 | 9 500 000,0 | 1 йил |
| 5 | 4 қаватли т/ж нинг 1 қаватидаги қисми | Учтепа тумани, мавзе Чилонзор 22, 7-уй | 314 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 125 600 000,0 | 38 000 000,0 | 1 йил |
| 6 | 4 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Учтепа тумани, мавзе Чилонзор 22, 10-уй. | 102 | Тошкент шаҳар ҳокимияти Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси | 100,0 | 40 800 000,0 | 12 500 000,0 | 1 йил |
| 7 | 4 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Учтепа тумани, мавзе Чилонзор 25, 8-уй | 127 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 50 800 000,0 | 15 500 000,0 | 1 йил |
| 8 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Бектемир тумани, мавзе Бектемир, 37-уй, 137-138-хонадон | 162 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 60 750 000,0 | 18 500 000,0 | 1 йил |
| 9 | 4 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Бектемир туман, Ж.Тошкандий, 60-уй, 41-хонадон | 89 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 33 375 000,0 | 10 500 000,0 | 1 йил |
| 10 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Чилонзор туман, мавзе Чилонзор, 20Д даҳа, 9-уй | 165 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 66 000 000,0 | 20 000 000,0 | 1 йил |
| 11 | 4 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Чилонзор туман, мавзе Чилонзор, 20 даҳа, 7а-уй | 106 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 42 400 000,0 | 13 000 000,0 | 1 йил |
| 12 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Чилонзор туман, мавзе Чилонзор, 20Д даҳа, 15-уй | 124 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 49 600 000,0 | 15 000 000,0 | 1 йил |
| 13 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Чилонзор туман, мавзе Чилонзор, 20 даҳа 48-уй | 65 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 52 000 000,0 | 8 000 000,0 | 1 йил |
| 14 | Бир қаватли бино қисми | Сергели туман, мавзе Спутник 2, 70-уй | 157 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 62 800 000,0 | 19 000 000,0 | 1 йил |
| 15 | Бир қаватли бино қисми | Сергели туман, мавзе Спутник 1, 70-уй | 143 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 57 200 000,0 | 17 500 000,0 | 1 йил |
| 16 | Алоҳида турувчи бино | Сергели туман, мавзе "Спутник Ц" | 1767 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 540 116 800,0 | 162 500 000,0 | 1 йил |
| 17 | Алоҳида турувчи бино | Ҳамза туман, .Ҳаваскор, 98-уй | 71 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 28 400 000,0 | 9 000 000,0 | 1 йил |
| 18 | Алоҳида турувчи бино | Ҳамза туман, Усманова кўчаси 3-уй | 77 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 30 800 000,0 | 9 500 000,0 | 1 йил |
| 19 | Алоҳида турувчи бино | М.Улуғбек туман, мавзе Югнакий, 22а-уй | 324 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 133 463 741,0 | 40 500 000,0 | 1 йил |
| 20 | 2 қаватли т/ж нинг 1-қаватидаги қисми | М.Улуғбек туман, мавзе Ҳумоюн, 3а-уй | 99 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 39 600 000,0 | 12 000 000,0 | 1 йил |
| 21 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | М.Улуғбек тумани, мавзе "ТТЗ", 4-даҳа, 34-уй | 83 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 33 200 000,0 | 10 000 000,0 | 1 йил |
| 22 | 1-қаватли бино қисми | М.Улуғбек тумани, мавзе Югнакий, 19а-уй | 145 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 58 000 000,0 | 17 500 000,0 | 1 йил |
| 23 | 9 қаватли т/ж нинг 1-қаватидаги қисми | М.Улуғбек туман, мавзе Қорасув 4, 2-уй | 98 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 39 200 000,0 | 12 000 000,0 | 1 йил |
| 24 | 2 қаватли бинонинг ер тўла қисми | М.Улуғбек туман, Ҳамид Олимжон майдони, Шарқий қисми | 47 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 18 800 000,0 | 6 000 000,0 | 1 йил |
| 25 | 9 қаватли т/ж нинг 9-қаватидаги қисми | Яккасарой туман, мавзе Кушбеги, 1-уй, 108-хонадон | 115 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 48 875 000,0 | 5 000 000,0 | 1 йил |
| 26 | Алоҳида турувчи бино | Сергели туман, мавзе Ўзгариш, 8а-уй | 58,86 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 23 545 000,0 | 7 500 000,0 | 1 йил |
| 27 | Бир қаватли бино қисми | Сергели туман, мавзе Спутник 11, 53-уй | 221 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 88 400 000,0 | 27 000 000,0 | 1 йил |
| 28 | Алоҳида турувчи бино | Сергели туман, мавзе Спутник 4, уй 2-хонадон | 422 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 168 800 000,0 | 51 000 000,0 | 1 йил |
| 29 | 4 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Ҳамза туман, мавзе Авиасозлар-2, (собиқ.Лисунов-1а), 27-уй | 129 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 51 600 000,0 | 15 500 000,0 | 1 йил |
| 30 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Ҳамза туман, мавзе Слоним 2, 5-уй | 50 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 20 000 000,0 | 6 000 000,0 | 1 йил |
| 31 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Ҳамза туман, мавзе Слоним 2, 5-уй | 252 | Тошкент шаҳар ҳокимияти Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси | 100,0 | 100 800 000,0 | 30 500 000,0 | 1 йил |
| 32 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Ҳамза туман, Қорасув (Собиқ Лисунова),2-уй | 187 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 74 800 000,0 | 22 500 000,0 | 1 йил |
| 33 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Ҳамза туман, мавзе "Ғалабанинг 40 йиллиги", 1-даҳа 1-уй, 19-хонадон | 48 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 19 200 000,0 | 6 000 000,0 | 1 йил |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 34 | 4 қаватли т/ж қўшимча қурилган бинонинг 1-қавадаги қисми | Ҳамза туман, Байкўрғон кўчаси, 11/1-уй | 106 | Тошкент шаҳар ҳокимияти Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси | 100,0 | 42 400 000,0 | 13 000 000,0 | 1 йил |
| 35 | 4 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Ҳамза туман, мавзе Авиасозлар-1 (собиқ Лисунова-1), ётохона 12, 120-уй | 218 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 87 200 000,0 | 26 500 000,0 | 1 йил |
| 36 | 9 қаватли т/жнинг 1- қаватидаги қисми | Ҳамза тумани, мавзе "Ғалабанинг 40 йиллиги", 1-даҳа, 18-уй | 34 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 13 600 000,0 | 4 500 000,0 | 1 йил |
| 37 | 9 қаватли т/жнинг 1- қаватидаги қисми | Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 427В-уй | 79 | Тошкент шаҳар ҳокимияти Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси | 100,0 | 31 600 000,0 | 9 500 000,0 | 1 йил |
| 38 | 2 қаватли бино қисми | Мирзо Улуғбек тумани, мавзе Қорасув 4, 2-уй | 241 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 96 400 000,0 | 29 000 000,0 | 1 йил |
| 39 | Бир қаватли бино | Мирзо Улуғбек туман, Темур Малик кўча 15-уй | 213 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 85 200 000,0 | 26 000 000,0 | 1 йил |
| 40 | 9 қаватли т/жга қўшимча қурилган 2 қаватли бинонинг 2-қаватидаги қисми | Мирзо Улуғбек туман, мавзе ТТЗ 4, дом 46-уй | 170 | Тошкент шаҳар ҳокимияти Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси | 100,0 | 68 000 000,0 | 20 500 000,0 | 1 йил |
| 41 | Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси | Бектемир туман, мавзе Бектемир (собиқ Сувчи), Чо Мен Хи кўчаси | | "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси | 100,0 | 2 098 542 573,0 | 630 000 000,0 | 3 йилда |
| 42 | Қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси биноси | Бектемир туман, Бинокор шаҳарчаси | | "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси | 100,0 | 305 581 073,0 | 92 000 000,0 | 3 йилда |
| 43 | Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси | Ҳамза туман, Мавзе Янгиобод, Шоҳсанам кўчаси | | "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси | 100,0 | 744 081 879,0 | 284 000 000,0 | 3 йилда |
| 44 | Маъмурий бино | Мирзо Улуғбек туман, Дўрмон йўли кўча (Собиқ.Ф.Ходжаев), 29-уй | | Тошкент шаҳар ҳокимияти Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси | 100,0 | 1 478 563 580,0 | 445 000 000,0 | 1 йил |
| 45 | 4 қаватли т/жнинг 1- қаватидаги қисми | Миробод туман, Адилходжаева, 1-уй, 1-хонадон | 180 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 238 746 040,0 | 36 000 000,0 | 1 йил |
| 46 | Қурилиши тугалланмаган ётоқхона биноси | Миробод туман, мавзе Қўйлик 4 | | "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси | 100,0 | 397 645 200,0 | 120 000 000,0 | 3 йилда |
| 47 | Бир қаватдаги бино қисми | Сергели туман, мавзе "Дўстлик 2" | 49 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,0 | 19 600 000,0 | 6 000 000,0 | 1 йил |
| 48 | "ТТЗ" ОАЖ "Гўшт-сут" дўкон биноси | Мирзо Улуғбек тумани, мавзе Аҳмад Югнакий, 33а-уй | | "ТТЗ" ОАЖ | 100,0 | 193 315 150,0 | 29 000 000,0 | 1 йил |
| 49 | Физиклар уйи | Мирзо Улуғбек туман | 1717 | Ядро физика институти | 100,0 | 1 840 673 120,0 | 276 500 000,0 | 1 йил |
| 50 | Модуль "Кисловодск" | Мирзо Улуғбек туман | 1530 | Математик ва ахборот технологиялар институти | 100,0 | 411 135 440,0 | 62 000 000,0 | 1 йил |
| 51 | Лаборатория корпуси | Мирзо Улуғбек туман, Дўрмон йўли, 33-уй | 2898 | Электроника институти | 100,0 | 1 158 245 460,0 | 174 000 000,0 | 1 йил |
| 52 | Ошхона | Мирзо Улуғбек туман, Дўрмон йўли, 29-уй | 2388 | Энергетика ва автоматика институти | 100,0 | 504 919 790,0 | 76 000 000,0 | 1 йил |
| 53 | Хўжалик хонаси | Мирзо Улуғбек туман, Дўрмон йўли, 29-уй | 389 | Энергетика ва автоматика институти | 100,0 | 93 835 150,0 | 14 500 000,0 | 1 йил |
| 54 | Хўжалик хонаси | Мирзо Улуғбек туман, Дўрмон йўли, 29-уй. | 134 | Энергетика ва автоматика институти | 100,0 | 37 658 810,0 | 6 000 000,0 | 1 йил |
| 55 | Ишлаб чиқариш корпуси ва РП-10 | Юнусобад туман, Соҳибкор кўча, 2-уй | 10649 | Математик ва ахборот технологиялар институти | 100,0 | 3 499 609 260,0 | 1 050 000 000 | 3 йилда |
| 56 | Бино ва иншоотлар | Юнусобод туман, Эзгулик кўча, 20-уй | 1274 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,00 | 1 500 000 000,00 | 225 000 000,0 | 1 йил |
| 57 | 4 қаватли т/жнинг 1- қаватидаги қисми | Миробод туман, Сарикўл кўча 34-уй | 351 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,00 | 217 454 340,00 | 54 500 000,0 | 1 йил |
| 58 | Бир қаватдаги бино қисми | Яккасарой туман, .Мираахмедова, 4 берк кўча | 107 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,00 | 53 987 520,00 | 13 500 000,0 | 1 йил |
| 59 | 9 қаватли т/ж нинг 1- қаватидаги қисми | Олмазор тумани, Ц-22, 103-уй | 164 | Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш Департаменти | 100,00 | 178 997 200,00 | 27 000 000,0 | 1 йил |

Танлов савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни савдо ташкилотчиси "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тақдим қиладилар ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат тўғрисида келишуви асосан "KMSX" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари закалат тўловни эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) ёки миллий валютада (сўм) амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин.

Танлов ҳужжатларининг нархи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан белгиланади. Ушбу тўлов қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим: х/р 401010 860262737950100021001, СТИР: 200 950 435, ОКОНХ: 97400

Олувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги амалиёт бош бошқармаси. Олувчининг ҳисоб-рақами: 23402000000100001009.

Олувчи банки: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бошқармаси Ҳисоб-касса маркази Олувчи банки коди: 00014; Олувчи СТИРи: 201 122 919. Олувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2011 йил 12 сентябрь Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2011 йилнинг 27 сентябрь, 11 ва 26 октябрь кунлари соат 12:00 да такроран ўтказилади, такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади).

Танлов таклифларини тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2011 йил 13 сентябрь Тошкент вақти билан соат 12:00да Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар Бошқармаси мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танлов ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорларни ёки уларнинг ваколати вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожат қилишингизни сўраймиз: 100060,Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16А-уй. Тел 233-74-72. Веб сайт WWW.1kms.UZ. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz

*Нидиқ*

# «КЎЧМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига ДМҚ Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 2 августдаги № 32-Пр-І, № 33-Пр-І, 34 Пр-І сонли буйруқларига асосан Булунғур, Пайариқ ва Самарқанд туманларидан қуйидаги ер участкалари умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан қўйилмоқда:

1. Булунғур шаҳри, "Навбаҳор" маҳалласи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 600 кв.метр бўлган 1 дан 10 гача рақамланган жами 10 та ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 273 600 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 12 сентябрь куни соат 11:00 да Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 85А-уй ДМҚ Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

2. Пайариқ туман, "Дўстлик" ширкат хўжалиги, "Бахрин" маҳалласи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 600 кв.метр бўлган, 1 дан 240 гача рақамланган жами 240 та ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 140 856 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 14 сентябрь куни соат 11:00 да Пайариқ туман Охунбобоев қишлоғи "Бахрин" маҳалласида жойлашган Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

3. Самарқанд туман, "Қайнама" маҳалласи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 600 кв.метр бўлган, 1 дан 23 гача рақамланган жами 23 та ер участкаси. Бошланғич баҳоси — 189 846 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 да Самарқанд туман, "Ипакчи" ММТП идора биносида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига 3 (уч) кун қолганда тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига! 2011 йил 12, 14, 16 сентябрдаги аукцион савдоларида сотилмай қолган ер участкаларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 23, 30 сентябрь ҳамда 7, 14, 21, 28 октябрь кунлари Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биносида сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50(эллик) фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТ "Турон" банк Самарқанд шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000104920609013, МФО:00282, ИНН:207122519. Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85А-уй. Телефон: (8366) 233-80-56. Лицензия RR-0001.

*Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, уруш ва меҳнат фахрийси Александр Красиков табаррук 85 ёшни қарши олмоқда.*

# Эҳтиромга сазовор



У Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонликлар кўрсатиб қайтгач, ҳуқуқшунос бўлишга қарор қилди ва ўқишга кирди. Ўқишни битириб, прокуратура органларида терговчи, катта терговчи, бўлим катта прокурори, прокурор ёрдамчиси, бўлим ва бошқарма прокурори лавозимларида самарали меҳнат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Александр Фёдорович қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга салмоқли ҳисса қўшиб, эл-юрт ишончини қозонди. Меҳнат фаолияти давомида ижобий фаолият кўрсатиб, сафдошлари орасида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди.

Тўғри йўлни кўрсатиб, виждонан ишлашни ўргатган у кишининг шогирдлари бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.

Унинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Александр Фёдорович, қутлуғ 85 ёшингиз муборак бўлсин! Бугунги шодиёна кунда Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси ва «Ерезсизлик ҳем Нызам» газетаси таҳририяти жамоаси газета бош муҳаррири Парахат Хабибуллаевга турмуш ўртоғи **Турсунбой қизи Гулзира**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ҳамда Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **Сурен МИКИРТЫЧЯН**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа туман прокуратураси терговчиси Равшанбек Жакбаровга отаси **Қўчқор ЖАКБАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




# Олимпиачиларимиз халқаро мусобақада

**Мақсудали ҚАМБАРОВ,**
«Ниqиq»

Жорий йилнинг 10 август куни Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ўртоқлик учрашувида майдонга тушмаслиги аниқ бўлгач, бор эътибор олимпия терма жамоамизнинг Украинадаги Лобановский хотирасига бағишланган халқаро мусобақадаги иштирокига қаратилди.

Вадим Абрамов шогирдлари 9 август куни Сербияга қарши баҳс олиб боришди. Вакилларимиз мусобақани ғалаба билан бошлади ва финал йўлланмасини қўлга киритишди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Сербия билан бўлган ўйинда Шерзодбек Каримов ҳамда Владимир Козакларнинг голлари эвазига 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

**Ўзбекистон (U21) — Сербия (U21)- 2:0**

***Голлар:*** Шерзодбек Каримов (57), Владимир Козак (60)

**Ўзбекистон:** Санжар Қувватов, Ислом Тўхтахўжаев, Абдуқаҳҳор Ҳожиакбаров, Салим Мустафоев, Фаррух Нурлибоев, Дилшод Раҳматуллаев (Нодир Одилов 64), Жасур Ҳасанов (Зоҳир Пиримов 82), Фозил Мусаев (Жавлон Иброҳимов 82), Олег Зотеев (Шерзодбек Каримов 55), Темурхўжа Абдухолиқов (Ойбек Қиличев 64), Кенжа Тўраев (Владимир Козак 55).

**Сербия:** Васич (Кировски 46), Миланович, Маслач (Гуден 76), Игновски (Катаич 56), Крстичич, Маркела (Цакич 56), Алексич (Кажич 73), Шепавич, Ностасич, Максимович, Кнежевич.

**Четлатиш:** Ойбек Қиличев 90+2

Иккинчи ярим финалда мезбонлар Исроил терма жамоасини 3:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Финалда Ўзбекистон ва Украина вакиллари рўбарў келишди. Финал ўйини ҳақидаги шарҳга кейинроқ тўхталамиз.

## Хотира турнири якунланди

Ҳар йили "Пахтакор" жамоасининг 1979 йилги авиаҳалокатда ҳалок бўлган аъзолари хотирасига бағишлаб турнир ўтказиб келинмоқда. Хотира турнирининг бу сафарги финалида "Пахтакор" ҳамда "Бунёдкор" футбол мактаби тарбияланувчилари бош соврин учун кураш олиб боришди.

"Пахтакор" марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган финал учрашувида ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди. Пенальтилар сериясида "Бунёдкор" посбони иккита зарбани қайтарган ҳолда жамоасига чемпионликни тақдим этди.

**Финал**

"Пахтакор" — "Бунёдкор"- 1:1 (1:1, 2:4 пен)

***Голлар:*** Равшан Хурсанов (6), Зарбилло Умаров (2)



# Самарқандда яна «Шарқ таронаси»

**Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,**
«Ниqиq»

Бугун Самарқанднинг Регистонига ташриф буюрсангиз, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига катта тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўласиз. Дарҳақиқат, бутун дунё нигоҳидаги фестивални ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис ташкилотчилар фестивални муносиб ўтказиш ҳаракатида.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали миллий мусиқа санъатимизни ривожлантириш, янги истеъдодларни кашф этиш, мамлакатлар ўртасида маданий алоқаларни равнақ топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу йилги мусиқа фестивалини ҳар галгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида катта тайёргарлик кўрилмоқда. Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш тантаналари, театрлаштирилган томошалар мавзусининг изчиллиги ва уйғунлиги, куй-қўшиқларнинг ҳамоҳанглиги, рақсларнинг бетакрорлиги борасида бир неча таниқли ижодкорлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Шунингдек, саҳнанинг кўринишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Янги саҳна, янги амфитеатр "Шарқ тароналари"нинг шукуҳли ўтишига хизмат қилади. Майдонда замон талабларига жавоб берадиган 1200 ўринли амфитеатр ва саҳна ташкил этилди.

"Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг дунё халқлари миллий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фестивалнинг ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлар доирасига киритилиши дунё санъат аҳлида катта қизиқиш уйғотди. Шу боис ушбу фестивал иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Бугунги кунгача дунёнинг 63 та давлати вакиллари фестивалда иштирок этиш истагини билдиришди. Уларнинг 48 таси дирекцияга керакли ҳужжатларни тақдим этишган. Қатнашчиларнинг орасида илк бор қатнашаётган ўндан зиёд мамлакат вакиллари ҳам бор.

— Бу йилги фестиваль Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик қутлуғ тўйи арафасида ўтаётгани унинг нуфузи ва аҳамиятини янада ошириши шубҳасиз, — дейди фестиваль матбуот маркази раҳбари Сафар Остонов. — Бу эса тадбирларни ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларидан катта масъулият талаб этади. Бунинг учун матбуот марказида журналистларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Марказда фестивалга оид барча маълумотлар базаси шакллантирилади. Мавжуд компьютерлар интернетга уланиб, журналистларнинг ахборотларни шу ернинг ўзидан тўғридан-тўғри узатишлари таъминланади. Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросими тантаналари сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан зиёд мамлакатларига узатилади. Шунингдек, тадбирларни хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун йигирмадан зиёд давлатдан журналистлар келиши кутилмоқда. Улар айни пайтда аккредитациядан ўтиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этишмоқда. Яна бир янгиликлардан бири бу йил фестивални оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича танлов эълон қилиниб, бу жараёнда фаол иштирок этган журналистлар муносиб рағбатлантирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ватанимизнинг мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтадиган "Шарқ тароналари" саккизинчи халқаро мусиқа фестивали санъат ихлосмандларини халқимизнинг барҳаёт мусиқа асарлари билан янада кенгроқ таништириш, мумтоз санъатимиз намуналаридан жаҳон аҳлини баҳраманд қилишига ишонамиз.

эълон · эълон · эълон · эълон · эълон · эълон · эълон · эълон · эълон · эълон · эълон · эълон ·

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилояти филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига асосан қуйидаги техник носоз ҳолатдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** Каттақўрғон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси балансида бўлган, Каттақўрғон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 149-уйда сақланаётган, д/р 21-29 СНН бўлган, 1988 йилда и/ч, техник носоз бўлган "Раф 2203-01" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 976 645 сўм.

**2.** Самарқанд вилояти бўйича давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси балансида бўлган, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 85А-уйда сақланаётган, д/р 30 592 FAA бўлган, 1996 йилда и/ч, техник носоз бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 549 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 13 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу автотранспорт воситалари 2011 йил 13 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда уларнинг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 20 ва 27 сентябрь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни (8366) 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизи ("Дамас" русумли автотранспорт воситаси учун 10 фоизи)дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг АТ "Турон" банк Самарқанд шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850. Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85А-уй.

**Ниqиq**
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[i] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-2462. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G`.ALIMOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi : O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.